

“МҒ;хуқуқ ва маънавият асослари” кафедраси

Бобожонова Х

БИТИРУВ – МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Хозирги давр ғарб фалсафаси ва миллий ғоя

Режа:

Кириш

- а) Мавзунинг долзарблиги;
- б) Мавзунинг тарихшунослиги;
- в) Мавзунинг тарбиявий аҳамияти;

I-боб: Миллий ғоянинг шаклланишида фалсафанинг тутган ўрни

- 1.1. Фалсафанинг миллий мафкура ва сиёсат билан алоқадорлиги
- 1.2. Тафаккур тарихида фалсафий ғояларнинг мафкурага таъсири

II-боб. хозирги давр ғарб фалсафасининг миллий ғояга таъсири

- 2.1. Ҳаёт фалсафасининг иродали шахсни вояга етказишдаги ўрни
- 2.2. Прогматизм фалсафасининг ижтимоий-иқтисодий ғояларнинг шаклланишидаги ўрни
- 2.3. Постпозитивизм фалсафасининг тараққиёт дастури ва унинг сиёсий ғоялар учун аҳамияти.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини фаол излади, бу давр Ватанни эркин, кучли ва раванқ топаётган диёр айлантиришга интилиш даври бўлди. Жаҳон ҳамжамиятига кириш, давлатлараро кўпқиррали алоқаларнинг энг мақбул йўллари изланди. Буларнинг барчаси жамият жамиятнинг янгиланиши Ўзбекистонга хос йўлни келтириб чиқарди. Бу йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодтиётини шакллантиришга жаҳон тажрибасини, шунингдек халқимизнинг турмуш тарзини, анъаналарини, урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган, конституцион асосга эга бўлган Республика аҳолисининг манфаатларига тўла мос тушадиган тараққиёт жараёнидир.

Мавзунинг долзарблиги:

Фалсафий дунёқараш, инсон ҳаётининг мақсади, мазмуни ва моҳияти, моддий борлиқ ва ижтимоий ҳаёт ўртасидаги ўзаро қонуниятлар тўғрисида; фалсафий билимларнинг шаклланиши, таркибий тўзилиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари; ҳозирги дунёнинг илмий, фалсафий, диний манзараси; фалсафанинг асосий йўналишлари ва мактаблари; монистик ва плюралистик фалсафий концепциялар; ҳозирги дунёнинг глобаллашув жараёни, инсониятнинг экологик ва бошқа глобал муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

Марказий Осиё мутафаккирларининг Ватан ва жаҳон маданияти, фалсафаси фанининг ривожланишидаги хиссаси, ўрнини: борлиқ концепциясининг мазмуни, унинг ўз-ўзини ташкил этиши, моддийлик ва маънавийлик тушунчаси, унинг моҳияти, динамик ва статик қонуниятларини; ижтимоий фалсафа: жамият ва унинг таркибий тўзилиши, давлат, демократия, фуқаролик жамияти тушунчаларининг моҳияти, ижтимоий тараққиётнинг босқичлари ва цивилизация концепцияларини; ижтимоий муносабатлар тизимида инсон моҳияти, онг ва ўз-ўзини англаш таълимоти, аксиология, ахлокий ва маънавий қадриятларини; диалектика, синергетика, ҳаракат ва ривожланиш, макон ва замон ҳақидаги таълимоғларни; табиий,

гуманитар ва бошқа фанларни ўрганишда умумфалсафий услуб ва тамойилларни; билишнинг умумфалсафий методларини билиши керак

Фалсафанинг қонун ва категориялари, тамойилларини:

- дунёқараш ва умумметодологик фалсафий принципларни;

- танқидий тафаккурни амалий фаолиятида ва илмий тадқиқотларга қўллаш қуникмасига эга бўлиши лозим.

Мавзунинг тарихшўнослиги:

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият – унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш зарурияти ҳам шу қонуният билан боғлиқдир. Ижтимоий – гуманитар ва ижтимоий – сиёсий фанлар қаторида унинг махсус сифатида ўқитилиши дунёдаги демократик ўзгаришлар билан боғлиқ умумий қонуний асосларга эга бўлгани боис уни ҳисобга олиш зарур. Ҳар бир мустақил мамлакат... ўзининг тараққиёт йўлини ва қураётган жамиятини билишга... унинг қонуниятларини аниқлаб олишга эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи назардан... ҳозирги пайтгача ижтимоий – сиёсий фанлартизимиде ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга бевосита тааллуқли бўлган масалаларни илмий жиҳатдан аниқ бир воқелик сифатида... яхлитлигича ўрганувчи фан вужудга келмаган. Фикримизча, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани айнан шу жараёни тўлиқ қамраб олиш имкониятга эга. Негаки, бу фан энг аввало жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ҳолда, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келб чиқиб, адолатли демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишнинг нафақат назарий масалаларини, балки унинг амалий жиҳатларни яхлит тарзда ўрганади. Бу фанни яна шунинг учун ҳам ўрганиш зарурки, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган маконда тарихда бринчи бор умумэтироф этилган демократия тамойиллари миллий қадриятлар билан тўлдирилмоқда. Жамиятимиздаги бу жараёни атрофимизда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқ воқелигимиз билан чамбарчас ўрганиш, таҳлил этиш зарур. Бу зарурат

мамлакатимиз президенти И.А.Каримовнинг “Пировард мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир”¹ деб таъкидлаган умумстратегик вазифани амалга ошириш билан боғлиқ. Бу вазифа Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганишнинг зарур қилиб қўйган учинчи асосий сабаблардан бири дейиш мумкин. Маълумки, ўтган XX асрнинг сўнгги йиллиги дунё харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги билан характерланади. “Улар ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди”² Ана шундай мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган давлатлар турли минтакаларда жойлашган бўлиб, улар Марказий Европанинг (5 та), Болтиқбўйи давлатларининг (3 та), Болгария ва Руминия, Ғарбий-Шарқий Европа мамлакатларининг (5 та), мустақил ҳамжамятдаги давлатларнинг ғарбий қисмида (4 та), Кавказорти давлатларида (3 та) ва Марказий Осиё давлатларидан (5 та)ни ўз ичига олади.³ Ана шу мустақил тараққиёт йўлини танлаган ва дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган, тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонида ўзига хос нуфузли ўринга эга бўлишга ҳаракат қилаётган давлатлардан бири Ўзбекистон Республикасидир.

Мавзунинг тарбиявий аҳамияти:

“Мустақиллик Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Ўз мустақиллигини, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таъдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таъдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.

³ ЮНИСЕФ. Ижтимоий мониторинг. 2003 йил, 2-бет

йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.”¹

Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилик негизларига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Мамлакатнинг олдида турган мақсадни таъкидлар экан, И.А.Каримов шундай дейди: “Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий кадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини; инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак”². Бу ерда у ёки бу мамлакатга хос бўлган демократия кўринишидан андоза олиш тўғрисида кетмаётганлигини ҳисобга олиш муҳим. Асосий мақсад - Ўзбекистонда ўзига хос ва мос бўлган демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш асосида демократик тараққиёт йўлида ривожланаётган бошқа жамиятлардан фарқли жиҳатларини ҳамда умумий томонларини аниқлашга қаратилган.

¹ Каримов И.А.Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1992, 35-бет.

² Ўша жойда.

I-боб: Миллий ғоянинг шаклланишида фалсафанинг тутган ўрни

1.1.Фалсафанинг миллий мафкура ва сиёсат билан алоқадорлиги

Фалсафа — инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тарақиёти давомида яратилган маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Фалсафа фанининг марказида бутун инсониятни қизиқтирадиган, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий ва бошқа томонларига тааллуқли булган мураккаб муаммолар туради. Ҳаётнинг маъноси ва мазмуни, инсоннинг пайдо булиши, унинг табиат ва жамиятга муносабати, келажак авлодларнинг татукри, жаҳон цивилизациясининг истиқболлари сингари умумбашарий муаммолар шулар жумласидандир.

Фалсафа — инсониятнинг буюк маънавий бойлигидир. У авлод-аждодлар томонидан яратилган маданий, тарихий мероснинг барча дурдоналаридан бекаму куст фойдаланиш, табиий, техникавий, ижтимоий-гуманитар фанлар эришган улкан муваффақиятларга суяниш асосида шаклланиб ва ривожланиб бориш билан бирга, кишиларда олам ҳақида бир бутун, яхлит дунёқараш шаклланишида назарий пойдевор вазифасини утайди³.

Фалсафанинг яна бир хусусияти шундаки, у табиат, жамият, инсон тафаккуриинг объектив қонунларини билиш асосида нарса ва қодисалар, воқеалар ривожланиш йуналишини олдиндан куришга, уларга амалий таъсир этиш йулларини белгилаб олишга ердам беради.

Шунинг учун кам барча ижтимоий тўзумларда ҳукмрон синфлар, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар фалсафа фанидан ўзларининг манфаатларини таъминлаш ниятида сиёсийлашган мафкуравий қурол сифатида фаол фойдаланиб келганлар. Айниқса, шуролар жамиятида 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида фалсафа маъмурий-буйруқбозлик системасининг сиёсати билан чамбарчас борлиқ холда, ўзининг фан хусусиятини аста секин йуқотиб, асосан сиёсийлашган мафкуравий

³ Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007. 115-бет.

ғоялар йиғиндисига айланиб қолган эди. Бу бежиз эмас, чунки фалсафа, сиёсат ижтимоий мафкураинг асосий шакллари сифатида бири бири билан ўзвий боғлангандир.

Энг аввало шуни эътиборга олиш керакки, фалсафа ҳам, сиёсат ҳам ижтимоий муносабатларнинг шаклидир. Маълумки, ижтимоий муносабатлар моддий ва мафкуравий ижтимоий муносабатлардан ташкил топади. Моддий ижтимоий муносабатлар инсон онгига боғлиқ булмаган ҳолда мавжуд бўлса, мафкуравий ижтимоий муносабатлар инсон онгидагина шаклланади⁴.

Сиёсий онг — турли ижтимоий кучларнинг давлат ҳокимиятига, партиялар, синфлар, миллатлар ва давлатлар фаолиятига бўлган муносабатларини ифода этувчи кайфиятлар, карашлар, орзу-хаёллар, тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар ва назариялар йиғиндисидир.

Сиёсат ҳам, фалсафа ҳам системалаштирилган фикрлар, ғоялар, тафаккурлар мажмуи бўлиб, уларнинг субъектини инсон, ижтимоий гуруҳлар, миллат, элатлар, сиёсий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар, объектини эса уларнинг куп қиррали фаолияти ташкил этади.

Шунинг билан бир қаторда фалсафа ва сиёсат ўртасида фарқ ҳам мавжуддир. Фалсафа инсон онгида воқеликиинг энг умумий алоқадорлик ва ривожланиш қонуниятларини акс эттириб, унинг дунёқарашини шакллантиришга қаратилган фандир. Сиёсат эса ҳам фаолият, ҳам мафкура сифатида инсоннинг, социал гуруҳлар, миллат ва элатларнинг, муайян синфларнинг, уларнинг сиёсий ташкилотларининг давлат ҳокимиятига, жамиятга, унда руй бераётган воқеа ва ҳодисаларга, табиатга, бошқа мамлакатларга ва ҳоказоларга тааллуқли фаолияти йиғиндисидир. Бундан яққол кўриниб турибдики, агар фалсафа ғоялар мажмуини ташкил этса, сиёсат эса инсон фаолиятининг йиғиндисини ташкил этади.

⁴ Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 133-143-бетлар.

Сиёсат инсон фаолиятининг йиғиндиси ҳамда мафкура сифатида иқтисодий муносабатлар билан чамбар час боғлангандир. Сиёсий муносабатлар иқтисодий муносабатларга нисбатан иккиламчи, чунки сиёсий тушунчалар, ғоялар, тасаввурлар ва уларга мувофиқ булган муассасалар иқтисодий базис устидаги устқурмадир.

Сиёсатнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, сиёсий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ифодасидир. Маълумки, синфий жамиятда сиёсатнинг мохиятини, унинг мазмуний йуналишларини синфий муносабатлар белгилайди, чунки у доимо муайян синфлар, миллатлар, элатлар ва соқил гурухларнинг манфаатига қаратилгандир.

Фалсафа эса фан сифатида (фаннинг асосий вазифаси борликнинг ривожланиш қонуниятларини билишдан иборатдир) ижтимоий гурухлар, синфлар, миллатларга, уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва манфаатларига нисбатан бефарқдир. Лекин ижтимоий гурухлар, синфлар, миллатлар ва уларнинг сиёсий ташкилотлари бошқа фанлар каби фалсафага ҳам бефарқ эмас. Аксинча, улар фалсафа ғояларини ўз манфаатларига мослаб фойдаланишга интиладилар. Фалсафа фани турли-туман оқимларнинг, йуналишларнинг, хилма-хил ғояларнинг системалаштирилган йиғиндисидан иборатдир. Шунини эътиборга олган ҳолда ижтимоий синфлар, гурухлар, миллатлар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар ўзларининг сиёсати мақсадларига жавоб берадиган фалсафий фикр ва ғояларни назарий қурол қилиб оладилар.

Фалсафа билан сиёсатнинг яна бир боғлиқ томони бор. Фалсафа фан сифатида нисбий мустақиллика эга, чунки фалсафий муаммоларнинг доираси уларнинг келиб чиқиши, турли фалсафий мактабларда, йуналиш ва оқимларда хилма-хил қал этилиши, илмий ва амалий ахамияти ва шу каби масалалар сиёсатдан келиб чиқиб эмас, балки бу фаннинг ўзига ҳос булган қонуниятлар асосида белгиланади. Лекин сиёсат бошқа фанлар каби фалсафа фанининг ривожланишига ҳам фаол таъсир этади.

Бундан яққол куришиб турибдики, фалсафа билан сиёсат бир-бири билан ўзвий боғланган ва хилма-хил алоқадорликдадир. Буларнинг уртасидаги алоқадорлик шакллари ва унинг даражалари ҳар бир жамиятга ҳос булган иктисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларнинг хусусиятлари билан белгиланади. Шу туфайли ҳар хил жамиятда фалсафага булган муносабат ва унинг сиёсат билан алоқадорлик даражаси турличадир.

Совет жамиятида утмишда жаҳон фалсафасининг биттагина турини ташкил қилувчи марксча-ленинча фалсафа давлатимизнинг ва уни бошқариб келган коммунистик партиянинг расмий фалсафаси бўлиб ҳисобланиб, уларнинг ички ва ташқи сиёсатининг назарий асоси сифатида фаол хизмат қилиб келди⁵.

Марксизм-ленинизм таълимотидаги анъана таъсир остида, биз куп йиллар мобайнида ҚМаркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин ғояларидан келиб чиқиб, фалсафани муайян синфларнинг, сиёсий партияларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи партиявий фан деб ҳисоблаб келдик.

Дарҳақиқат, К.Маркс, Ф.Энгельс ўз асарларида ўзлари томонидан яратилган янги фалсафани пролетариат синфининг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган партиявий фан деб қайд этиб келганлар. В.И.Лениннинг таъкидлашича, улар жуда ўзоқ вақт давомида, қарийб ярим аср мобайнида, материализмни ривожлантириб келдилар, фалсафадаги бир асосий оқимни илгари сурдилар, хал қилиб қуйилган гиосеологик масалаларни ҳадеб такрорлай бермасдан, изчил суратда татбиқ, қилиб келдилар,— улар уша материализмнинг ўзини ижтимоий фанлар соқасида қандай татбиқ қилиш лозимлигини курсатиб, фалсафада янги йул кашф қилиш, янги оқим ва ҳоказоларни ихтиро қилиш йўлидаги сон-саноксиз уринишларни бемаънилиқ қуруқ дабдабадан иборат сафсата деб, рақамсиз суратда супуриб ташладилар. Маркс ва Энгельс фалсафада аввалдан

⁵ Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007. 168-бет.

охиригача партияли эдилар, улар ҳамма ва қар қандай «энг янги» оқимларда материализмдан юз угиришни ва идеализм оламда фидеизмга оғушта булишни очиб ташлай билган эдилар. В.И.Ленин махизм фалсафасини танқид қилишга қаратилган «Материализм ва эмпириокритизм» деган асариде буржуа фалсафасининг терминологик найранглар ва «олимона сқоластика» билан микробланган сохта партиясизлигини қоралайди. Лениннинг фикрича, синфий антагонистик жамиятда фалсафа икки асосий йуналиш — материализм ва идеализм уртасидаги курашда муқаррар равишда ривожланади, зотан улар бири бири билан курашувчи прогрессив ва реакцион синфларнинг манфаатларини ифодалайди. В.И.Ленин фалсафа тарихига «Платон билан Демокритнинг тенденциялари ёки тутган йуллари» утасидаги кураш деб қарайди, бундан икки минг йил илгари фалсафа қанчалик партиявий булган булса, энг янги фалсафа ҳам шунчалик партиявийдир, фалсафий ғоялар тараққиёти сиёсий кураш тажрибаси билан ўзвий равишда боғлиқдир, деб ўқтиради.

Фалсафада ошқора, изчил материализм йулини тутиб бориш, Лениннинг фикрича, бу партиявийлик принципини қуллаш демақ зеро, бошқа йул йуқ, булиши ҳам мумкин эмас.

Махистлар ўз таълимотларини «эмпириокритицизм», яъни танқидий тажриба фалсафаси деб атаб, гуё фанни ноилмий нарсалардан тозалаётган «ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан» билиш усулларини фақат тахлил килаётган булиб куринишга уринадилар. Махистлар ўзларининг фалсафаси материализм ва идеализм устида турадиган фалсафа, шу боисдан у урта ёки бётараф фалсафа деб уқтирмоқчи булган эдилар. В.И.Ленин махистларнинг бётарафлик ҳақидаги ўй-фикрларини фош қилиб, фалсафанинг «бётарафлиги», «партиясизлиги» ғояси марксизм билан ҳеч қандай умумийликка эга булмаган том маънодаги реакцион, буржуа ғоясидир. Сохта партиясизлик ғояси идеалистик фалсафанинг том

маънодаги партиявийлигини, маълум синфий йуналишга эгаллигини ниқоблайди, деб курсатади.

Марксизм-ленинизм антагонистик тузумда жамиятнинг ҳар бир синфига ўзининг синфий онги, ўзининг ғоялари, дунёқарашлари ҳосдир, деб ҳисоблайди. Фалсафий қарашлар синфларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий қарашлари билан бевосита ёки билвосита боғланган, уларнинг назарий асосини ташкил этади. Фалсафий назария табиат ва жамият тараққиётининг туб қонунлари ҳақида фикр юритиб, доимо синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг ўз синфий манфаатлари учун олиб бораётган қурашларида уткир мафкуравий қурол ролида майдонга чиққан ва чиқади қам. Шунинг учун марксизм-ленинизм фалсафада очик ва изчил партиявий принципини талаб қилади⁶.

Фалсафа масалани фақат шундай тарзда қуйиши мумкин: ёки материализм, ёки идеализм, учинчиси йук, булиши қам мумкин эмас. Фалсафадаги мана шу икки "туб йуналишдан сакраб чиқиш «муросачилик луттибозлигидан» бошқа нарса эмасдир,—деб таъкидлаган эдн В.И.Ленин.

Марксча партиявийлик принципи, дейди В.И.Ленин буржуа профессорлари мулоҳазалари заминида муайян синфий қурашларни ҳимоя қилиш мавжудлигини қуриш лозимлигини талаб қилади. Шунинг учун химия, тарих физиканинг махсус сохаларида энг қимматли асарлар бера оладиган бу профессорлардан бирортасининг бир сўзига ҳам, гап философия устида борганда, ишониб булмайди. Нима сабабдан. Шу сабабданки, сиёсий иқтисоднинг умумий назарияси устида сўз бораркан, махсус текшириш соҳасида энг қимматли асарлар бера оладиган ҳеч бир сиёсий иқтисод профессорларининг бир сўзига ҳам ишониб булмайди. Чунки иқтисоднинг умумий назарияси ҳозирги замон жамиятида, худди

⁶ Гуннар Скирбекк Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарк», 2002. 510-514 бетлар.

гиосеология сингари, партиявий фандир». Умуман олганда, экономист профессорлар капиталистлар синфининг олим малайларидир, фалсафа профессорлари эса теологларнинг олим малайларидир, вассалом,

Фалсафанинг «бетарафлиги», партиявийсизлиги хақидаги махистларнинг гапларини бир четга улоқтириб В.И.Ленин марксизмга қарши курашда унинг объектив синфий моҳиятини очиб беради. Ленинча партиявийлик принципи фалсафадан ва бошқа фанлардан фаол социал позицияда туришини талаб этарди.

Марксча-ленинча фалсафадаги партиявий принципдан келиб чигкиб, шахсга сиғиниш йилларида фалсафий кураш сиёсий курашнинг инъикоси, шунинг учун ҳаи материалистик фалсафа қоидаларига қарши чиқиш уларни ревизия қилиш партиянинг сиёсий чизигидан четга чиқишдан бошқа қеч нарса эмас, деб ҳисобланиб, бунга йул қўйган кишилар қаттиқ танқид остига олинар ва сиёсий хатога йул қуйганликда айбланарди. Чунончн 1922 йили бир қатор йирик файласуф-олимлар ва зиёлилар, жумладан Н.А.Бердяев, Н.О.Лосский С.Л.Франк С.Н.Булгаков ва бошқалар материалистик диалектикага зид булган диний ва идеалистик дунёқарашда айбланиб, чет мамлакатларга ҳайдаб юборилган эди⁷.

20—30-йиллар давомида мамлакатимизда, бир томондан большевиклдр партияси, иккинчи томондан, оппортунизмнинг икки сиёсий йуналишини (уклон) ташкил этувчи деб ҳисобланган анархо-синдикализм (Трокий, Зиновьев, Каменев) ва реформизм (Бухарин, Риков, Томский) оқимлари ўртасида сиёсий тортишувлар, курашлар авж олиб кетган эди.

⁷ Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 145-бет.

Партиянинг касаба уюшмаларининг жамиятдаги роли, демократия, пролётариат диктатураси, яккаю-ягона мамлакатда социализм жамиятини барпо этиб буладими ёки булмайдими, социализмда синфларнинг, жумладан деҳқонларнинг ва синфий курашларнинг роли нимадан иборат, халқ хужалигини индустрлаштириш, қишлоқ хужалигини коллективлаштириш масалалари, маданий меросга муносабат ва шу каби мураккаб, жиддий масалалар буйича аксарият большевиклар бир фикрда булса, анархо-синдикализм ва реформизм оқимларининг иамояндалари бошқа фикрда эдилар. Ҳар тарафнинг намояндалари ўзларининг сиёсий қарашларини назарий жиқатдан асослаш, далиллаш ниятида фалсафа қоидаларига мурожаат этардилар.

Анархо-синдикалистлар ўзларининг сиёсий фикрларини фалсафадаги механистик вульгар материализм қоидаларидан келиб чиқиб асослашга уринса, реформистлар эса ўзларининг сиёсий қарашларини фалсафадаги меньшевистик идеализм нуқтаи назаридан келиб чиқиб асослашга интилардилар. Оқибатда бу даврда фалсафа фанида ғоявий кураш кескинлашиб кетади. Большевиклар партияси ўзини материалистик диалектика тарафдори деб ҳисоблаб, механистик материализм ва идеализм ғояларини эътироф этувчиларга қарши кураш олиб борарди.

Механистик материализм йуналишининг намояндалари қаторига табиатшунослар А.ҚТимирязев, И.Скворқов, Степанов, А.Богдановнинг фикрдоши — Н.Бухарин, кантчи — Л. Аксельрод, фрейдист — А. Варьяш, позитивист В.Сарабьяновлар киради деб ҳисобланиб, улар большевиклар партияси томонидан қуйидагиларда; 1) диалектик материализмни табиат фанлари билан айнийлаштириб, фалсафа фанини йўққа чиқаришга уринишда; 2) материалистик инъикос назариясига қарши чиқиб, агиостиқизм, позитивизм, кантчилик идеализмга йўл очиб беришда; 3) диалектика айни вақтда билиш назариясинн ҳам ташкил этадн деган ғояга қарши чиқиб, диалектикани механика қридалари билан мувозанат назарияси билан алмаштиришга уринишда; 4) диалектик мантиқ фанини

формал мантиқ эклектика ва софистика билан алмаштиришга уринишда асоссиз айблангандилар.

Ички ва ташқи сиёсатини илмий жиҳатдан асослаб ва далиллаб бериш талаб қилинарди. Фаннинг соф ва хусусий назарий масалалари билан кизиқувчи олимлар эса схоластика ва догматизмда айбланиб, қаттиқ танқид остига олинарди. Масалан, КПСС съездларида фалсафа фанининг ўзаги булган—диалектика назарияси буйича илмий тадқиқот ишларини олиб борувчи олимлар ҳаётдан ажралиб қолган, ҳеч кимга керак эмас, мавхум муаммолар билан шуғулланишади деб қаттиқ танқид остига олинганликлари илмий жамоатчилик учун сир эмас. Шунинг учун ҳам аввалги йилларда фалсафа фанининг назарий масалаларига эътиборсизлик билан қараш, унинг доирасидаги муаммоларни сунъий равишда булсада, ҳаёт билан боғлашга интилиш кенг илдиз отиб кетган эди⁸.

КПСС ўз фаолиятида ижтимоий фанларнинг олдида турган вазифаларни курсатиб бериш ва унинг бажарилишини таъминлаш билан бир қаторда марксча-ленинчз назарияни ижодий ривожлантиришни ҳам ўзининг асосий ва муҳим вазифаси деб ҳисоблаб келган эди.

Қайси фан булишидан қатъи назар уни ривожлантириш — шу соҳада ишлайдиган мутахассисларнинг вазифасидир. Лекин КПСС бу ишни ҳам ўзининг асосий ва муҳим вазифаси деб ҳисоблар эди. Партия ҳаётда содир булаётган воқеаларни билиб олишга, марксча-ленинчз назарияни ижодий ривожлантиришга тегишлича эътибор бермаса, ўз ролини бажара олмайди деган ғоя ижтимоий фанлар соҳасида ҳам кенг тарқалган эди. Ижтимоий фанларни ривожлантириш фақатгина партиянинг иши, монополияси булиб қолган эди. Шунинг учун ҳам бу соҳада ишловчи олимлар янги бир фикр-айтгилари келса, уни ўзларининг номидан эмас, балки «марксизм-ленинизм таълимотига кура», «КПСС ғояларига биноан» деган иборалар орқали ифода қилар эдилар.

⁸ Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.

Кейинги йилларда партиянинг умумий тафаккур» ҳосиласи деб ҳисобланиб келган бир қатор умумлашмалар ва хулосалар ишлаб чиқилганлигидан хабардормиз. Собиқ СССРда ривожланган социализмнинг барпо этилиши, социализм жамиятининг жаҳон системасига айланиши, барча халқларнинг социализм жамиятида» муқаррар равишда коммунизмга утиши, коммунизмнинг моддий-техникавий асосини яратиш, миллий муносабатларни такомиллаштириш, инсоннинг камол топиши ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ижтимоий фанлар соҳасида ишлаган олимлар ўзларини қизиқтирадиган илмий муаммолар билан шуғулланиш ўрнига, юқорида айтилганидек партия томонидан ишлаб чиқилган ғояларнинг илмий ва амалий аҳамиятини асослаб бериш билан банд бўлиб қолар эдилар.

Партия ҳужжатларида марксизм-ленинизм таълимотини кенг халқ оммаси уртасида тартиб ва ташвиқ этиш масалалари ҳам аниқлаб бериларди. Пропагандистларнинг асосий вазифаси партия талабига биноан марксизм-ленинизм ғояларини чуқур ва атрофлича тушунтириб беришдан, социализм ва коммунизм ғалабаси учун КПСС олиб бораётган курашда марксизм-ленинизм ғоялари муваффақиятли амалга оширилаётганлигини курсатиб беришдан, партия томонидан тупланган назарий «бойлиқдан» амалий фаолиятда фойдаланиш ва бу назарий «бойлиқни» ривожлантиришни ургатишдан, меҳнаткашларни партия сиёсатини амалга ошириш учун курашга сафарбар қилишдан, коммунизм учун фаол ва саботли курашчиларни тарбиялаб ётиштиришдан иборатдир деб келинганди. Пропагандистларнинг халқ оммаси орасида ўқийдиган маърузалари мавзулари ва уларни ёритиб берадиган матнлар ҳам асосан партия кумиталари томонидан тайёрлаб бериларди. Демак тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда ҳам партиявийлик принципига амал қилиш керак эди.

Ҳаёт шундан далолат берадики, ҳозирги замон фалсафасидаги барча фикр-мулоқазаларни тўғридан-тўғри инкор этиш, уларни реакцион деб айтиш нотўғри, балки муҳокамада оқилона йул тутиш, диалектик қарашларни

мантиқий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқдир. Янгича сиёсий тафаккур мафкуравий муҳолифликии таҳлил қилиш душманлик кайфиятидан халос бўлишни, у ёки бу қарашларни ҳолисона баҳолашни талаб этади.⁹

Юқорида айтилганлар шундан гувоҳлик берадики, сиёсат ҳар доим фалсафага ўз таъсирини утказиб келган. Марксистик фалсафа ишчилар синфиинг тарихий вазифасини амалга оширишга қаратилган сиёсат билан чамбарчас бонлиқ ҳолда вужудга келди ва ривожланди. Шунинг учун ҳам В.И.Ленин марксизмнинг йўли унинг фалсафий асослари билан маҳкам боғланганидир, деб ёзган эди.

Фалсафада партиявийлик принқипининг оқибати нималарга олиб келганини ҳозирги ҳаётимиз яққол курсатиб турибди

⁹ Гуннар Скирбекқ Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 643-681-бетлар.

1.2. Тафакур тарихида ғасафий ғояларнинг мафкурага таъсири

Жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичи инсон - омили ролининг шахс ижтимоий-сиёсий фаолиятининг қонуний равишда ўсиб бораётганлиги билан фарқланади. Бу бежиз эмас. Чунки барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат булган инсон шахсининг ижодий фаолиятини ривожлантириш, ишга солишнинг янгидан-янги йуллари ва имкониятларини кидириб топмасдан туриб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб булмайди. Тарихий мақсадлар кулами кенг, инсон шахси баркамол булса, у виждонан меҳнат қилса, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этса, жамиятимиз шу қадар тез ривожланади ва мустақкамланади. Инсоннинг ижодий ташаббуси, жонли ижодиёти жамиятимизнинг кучи ва ҳаёттиллигининг энг муҳим манбаидир.

Ҳар бир жамият ўзига муносиб булган инсон шахсини юзага келтирганидек инсон ҳам шу жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бефарқ қарамайди. Шахс айни пайтда атроф муқитга таъсир кўрсатиш, уни ўзгартириш қобилиятига ҳам эга. Унинг жамиятга таъсири мақсадсиз, режасиз, кур-курона фаолият орқали амалга ошмайди. Инсон жамият қонунларини, ўз қаёти шароитларини билиб олгач, маълум мақсадга қаратилган фаол амалий курсатиш йули билан ижтимоий мухитни, жамиятни ўзгартира олади.

Инсон фақат шароит ва тарихнинг маҳсулигина булмай, балки уларни яратувчи ҳамдир. Қайта қуришни муваффақиятли равишда амалга ошириш ҳар бир инсон шахсидан ўз бурчини кур-курона бажаришни эмас, балки онгли, илмий асосда ёндошишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ҳар бир киши, ҳар бир шахсни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш, ҳар томонлама ётук ва баркамол булишига эришиш, сиёсий, маданиятли қилиш мамлакатимизни равнақ топтириш, демократияни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бўлиб қолди.

Агар инсон ўзи томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай ишининг, амалий фаолиятининг оқибатларини олдиндан сеза билса, ундан ўзи ва

жамият учун қандай наф келишини пайқаса, моддий ва маънавий манфаатдорлигига ишонч ҳосил қилса, ушанда ўзидаги барча куч ва имкониятларни ишга солиб меҳнат қилади, қар қандай мураккаб вазифаларни ҳам вақтида уддалайди.

Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралиқ демократиялаштириш босқичида инсон омили ролининг кучайиб бораётганлиги муаммосининг бир неча жиҳатлари бор. Бир томондан, у ижтимоий ишлаб чиқариш ходимини камол топтиради, уни рағбатлайтирадиган омилларни белгилаб беради. Иккинчи томондан, одамларнинг меҳнат ғайрати, малакасини оширишга қайта таъсир қилади, унинг тараққиётини жадаллаштиради.

Инсон шахсининг бойлиги, фаоллиги, энг аввало, меҳнат фаолияти соҳасида руёбга чиқади. Меҳнат соҳасидаги фаоллик шахс фаоллигининг бошқа ҳамма шаклларига қараганда белгиловчидир. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки айти шу соҳада инсонинг олган илими, орттирган тажриба ва малакаси ва бошқалар амалда кулланилади, намоён булади. Меҳнат жамоасида инсоннинг маънавий, ахлоқий фазилатлари, ақлий ва жисмоний фаолияти шаклланади, юзага чиқади. Моддий ҳаёт, ишлаб чиқариш усули инсоннинг маънавий, ижтимоий, сиёсий жараёнларидаги иштирокига сабаб булганидек шахснинг меҳнат соҳасидаги фаоллиги ҳам -ўз навбатида унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий ривожланишига ўз таъсирини курсатади¹⁰.

Ҳозирги давр ижтимоий онг соҳасида сифат ўзгаришларини, икдисодий тафаккурнинг замонавий типини ҳосил қилишни, шахсда юксак масъулият, ишчанлик интизом, омилкорлик фазилатларини тарбиялаб вояга ётказиш вазифасини уртага қуйди.. Меҳнат жамоаларининг қуқуқларини кенгайтириш, хужалик юритишнинг янги усуллари ҳаётга бирин-кетин жорий этилмокдаки, буларнинг ҳаммаси инсон омили таъсирчанлигини кучайтириш ҳамда шахс фаоллигини янада- ошириш им-кониятини беради.

¹⁰ Гуннар Скирбекк Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 534-548-бетлар.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириш ҳозирги даврнинг туб муаммоларидан биридир. Хаёт уртага қуяётган улкан вазифаларни юқоридан туриб амалга ошириб булмайди. Бунинг учув мезқнаткаш инсоннинг бевосита иштироки, унинг моддий ва маънавий бойликларни яратишга қаратилгав ижодий меқнати, ижтимоий-сиёсий фаоллиги зарур.

Дозирги долзарб вазифаларни амалга оширишнинг зарур шартларидан яна бири — инсоннинг руҳиятини ўзгартиришдан иборатдир. Инсоннинг онгини, ижтимоий руҳиятини декрет чиқариш йули билан ҳам, буйруқ бериш асосида ҳам ўзгартириб, қайта қуриб булмайди. Кишилар онгида утмишда руй берган хато ва камчиликлар таъсири остида шаклланган эски қарашлар, тасаввурлар, тушунчаларни бартараф этиш тарбиявий ишларни мунтазам равишда олиб боришни, барча салбий хрдйсаларни таг-томири билан тугатишни, ижтимоий адолатни сўзда эмас, амалда қарор топтиришни тақозо этади, Аввало, кишиларнинг моддий хаёт шароитларини яхшиламасдан туриб уларнииг онгини ўзгартириб бўлмайди¹¹.

Инсон руҳияти қайта қурилмаса, янгичасига фикрлаш ва ишлаш истаги ҳамда маҳорат ҳосил қилинмаса иқтисодиётда, бошқарувда, тарбияда, ижтимоий соҳада бирон-бир нарсани ўзгартириш амримаҳолдир. Шахс қарорлар ва курсатмаларни, юқоридан бериладигани хар қандай топшириқни кур-курона бажарадиган роботлар эмас, балки хис-туйғуларга, ор-номус ва виждонга, нафсониятга, инсоний қадриятларга эга булган мураккаб ижтимоий мавжудотдир. Агар талабчанлик фавқулодда дагал, айрим ҳолларда купол тус олиб, кишиларнинг нафсониятини ерга урадиган, таҳқирлайдиган булса, бу ҳол муқаррар равишда ишончсизликка, умидсизликка олиб келади, шахснинг ижодий фаолиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини сусайтиради. Яхши илиқ сўз, ширин муомала билан ҳам кишиларни жамиятимизнинг мураккаб ва куп қиррали вазифаларини ҳал

¹¹ Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007. 29-бет.

этишга илҳомлантириш мумкин. Ҳозирги даврнинг инсон шахсига берган ажойиб неъматларидан бири — демократия, ошкоралик ижтимоий адолатнинг аста-секин тикланишидир. Демократия ва ошкоралик яратиб берган имкониятлардан туғри ва оқилона фойдаланиш учун оддий истакдан ташқари юксак сиёсий издан вазминлик, маънавий поклик, соф виждон, узоқни кўзлаб иш қила билиш қобилияти ҳам керак.

Демократия ҳар ким билган ишини қилади, оғзига келганини гапирди, деган гап эмас. Бундай ҳолларда бебошлик олдини олиб булмайдиган туступолонлар кучайиб кетади. Оқилона интизом, ҳалол меҳнат, ақл-идрок билан иш юритилган тақдирдагина чин демократияни амалга ошириш мумкин. Ҳозирги даврдаги асосий вазифа жумҳуриятимизда мавжуд булган оғир шароитдан чиқиш йулларини биргаликда излашдир. Бу ўринда жумҳуриятимизда шошмашошарликка йул қуймай, сабр-тоқат билан иш куриб, улкамиз иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини пухта таъминлаш йулларини излаш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилаш биринчи даражали вазифа булиб келмоқда.

Шундай қилиб, мустақиллик қамда ошкоралик, демократия каби қадриятлар шарофати билан давр ва одамлар тез ўзгаряпти. Шахс маънавий жиқатдан усиб, камол топяпти, унинг кадр-қиммати ошмоқда.

Қадриятлар дейилганда, инсон ва инсонлар учун аҳамиятли булган, миллат, элат ва ижтимоий гуруқларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган эркинлик ижтимоий, адолат, тенгли, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингари фазилатлар мажмуи тушунилади, қадриятлар ўзининг моҳияти ва хусусиятига кура бир неча турларга булинади. Унинг муҳим турларидан бири табиий қадриятлар булиб, унга инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур булган табиий шароитлар: ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, урмонлар, усимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради. Улар яна иқтисодий (меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш куруллари, моддий неъматлар ва бошқалар) ва ижтимоий-сиёсий (эркинлик, тенглик, адолат, тинчлик халқаро дустлик ва

бошқалар) кадриятлардан иборатдир.э Илмий, фалсафий, бадий, диний ғоялар ва боққа шу кабилар маънавий кадриятларни ташкил этади. Яхшилик, халоллик, бурчга содиқлик сингарилар эса ахлоқий кадриятлардир. Эстетик кадриятлар устида фикр юритганда, биринчи навбатда, барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар кўз олдимишга келади.

Миллий ва умуминсоний кадриятлар мавжуд. Миллий кадриятлар айрим халқ, миллатлар ва элатларнинг тарихий таракқиёти жараёнида яратадиган барча моддий ва маънавий бойликларнинг йиғиндисидан иборат. Табиатни муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, инсониятнинг сиҳат-саломатлигини сақлаб қолиш, хавфли касалликларнинг ўзаро ҳамкорликда олдини олиш, озиқ-овқатга, энергия ва ёқилғига булган танқисликни тугатиш, маданий бойликларни, цивилизацияни эсон-омон сақлаб қолиш, урушларнинг бошланишига йул қуймаслик тинчликини сақлаб қолиш — буларнинг ҳаммаси умуминсоний, умумбашарий кадриятлардир. Умуминсоний кадриятлар алоҳида халқлар ва миллатларнинггина эмас, балки башариятнинг мулкидир¹².

Миллий, регионал ва умуминсоний кадриятларни дилида жо қилиб олган, табиатни обод, жамиятни гўзал ва фаровон қилиш, тинчлик демократия, янги ҳаёт учун курашаётган меҳнаткаш инсон — энг олий даражадаги бойлик — кадриятдир. Инсоннинг кадриятдор эканлиги унинг даставвал ўз-ўзига ва жамиятнинг инсонга булган ахлоқий муносабатини акс эттиради. Кадриятлар инсонлар уртасида ўзаро муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ижобий роль уйнайди. Ўз кадр-қимматини англаш шахсниг ўз-ўзиини назорат қилиши булиб, унинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлиги ана шунга асосланади.

Ўз-ўзини хурмат қилиш куп жиҳатдан шахснинг тақдирини белгиловчи ғоят муҳим хислатдир, чунки у инсонни камситиладиган, ерга урадиган, хурлайдиган ва шу билан унинг бошқа кишилар кўз унгида ўз кадр-

¹² Саифназаров И. Ўзбекистон истиклоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003.3-21-бетлар.

қимматини йуқотишга сабаб буладиган қилиқларига йул қуймайдиган тўсиққа айланади. Хар бир инсон, энг-аввало, ўз-ўзини хурмат қилиши кадр-қиммати, ор-номуси, шаънига дог туширмаслиги лозим. Ўзининг кадр-қимматига етиш, ор-номусини сақлай билиш, муҳим инсоний фазилятдир. Ўз иззат-хурматини билмасдан туриб маънавий бойликка етишиш, элда кадр-қиммат топишни тасаввур қилиш қийин. Ўзини хурмат қилмаган киши ўзгаларни кадрлай олмайди. Кадр-қиммат инсонни энг юксакка кутарадиган, унинг фаолиятига, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир.

Кадр-қиммат шахсни хурматлашни, унинг ҳуқуқларини эътироф этишни ҳам ўз ичига олади. Кадр-қиммат шахсининг ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муқим томони сифатида юзага келади¹³.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга булиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо булади ва ривожланади. Инсон йуқ жойда бирон нарсанинг кадр-қиммати ҳақида сўзлаш беъманиликдир. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи билан борлиқ равишда юзага келади. Сунгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соқа тарзида амал қила бошлайди. Ана шуларни назарда тутиб, фалсафа фани инсоний қадриятларни ижтимоий шароит тақозоси билан юзага келган ахлоқий бойлик деб ҳисоблайди. Барча ахлоқий нормалар, юриш-туриш коидалари сингари, жамики инсоний қадриятлар ва жамият тараққиёти талаблари асосида юзага келиб, янги мазмун, янги шакл касб этиб, бойиб ва такомиллашиб боради.

Жамиятимиз ҳар бир инсонни эъзозлаб, унинг турмушини яхшилаш, билимини устириш, қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун ўзида бор булган ҳамма имкониятларни ишга солади. Кейинги йилларда инсоннинг шахсий қақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадриятларини муқофаза қилиш масаласида жуда катта ишлар амалга оширилди. Юмолоқ хатлар ёзиш,

¹³ Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 148-бетлар.

бухтон, тухмат уюштириш йули билан кишиларни нохақ безовта қилиш, кадр-қиммати ва ор-номусига тажовуз қилишлар мамлакатимизда конун йули билан тақиклаиған. Асосли, адолатли танқид қилған кишилардан уч олишга ҳаракат қиладиган кимсалар кимлигидан қатъи назар жиноий жавобгарликка тортилади. Вазифасини суистеъмол қилған мансабдор шахслар ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун конун олдида жавоб беради.

Ногиронлар, руҳий касал кишилар, меҳнат қобилиятини йуқотған, боқувчисидан маҳрум бўлиб қолғанлар, ёлғиз аёллар, пенсионерларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат йули билан муҳрфаза қилинади, уларга моддий маънавий ёрдам курсатилади. Бизда одамларнинг шахсий ҳаётлари, уй-жойинг дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалари, почта ва телеграф орқали жунатилған нарсаларнинг сир сақланиши кафолатланған. Ўзбекистон Республикаси қонунлари фуқаролар ор-номуси, кадр-қимматини сақлаш ва муқофаза этишга муқим вазифалардан бири сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига мувофиқ республика фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд -қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қуйишга ҳеч ким ҳақли эмас¹⁴.

Мамлакат тараққиётининг муайян босқичида купгина объектив ва субъектив сабабларга кура шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни уй-жой, газ, озиқ-овқат, табобат хизмати билан таъминлаш, умуман ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга эътибор сусайиб кетди, чидаб булмайдиган вазиятлар вужудга келди.

Мамлакат иқтисодий ҳаётида руй бера бошлаган салбий ҳодисалар ўз навбатида инсон ҳаётининг меҳнат ва турмуш шароитлари, соғлиғини сақлаш ва бўш вақтини ташкил этиш, дам олиш ва хизмат соҳасидан тортиб то синфий ва миллий муносабатларгача булған бутун борлиғини ўз ичига оладиган ижтимоий соҳанинг ҳам ривожланишига ўзининг зарарли таъсирини курсата бошлади. Айниқса, озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13- бёт,

муаммоларнинг ўзоқ йиллар давомида ҳал этилмасдан келишига фан ва маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолига маданий-маиший хизмат курсатиш, оилани мустаҳкамлаш муаммоларини, табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, миллий ва миллатлараро муносабатлар муаммоларини ҳал этишнинг моддий базаси орқада қолишига сабаб бўлди.

Маълумки, турғунлик йилларида иқтисодийнинг ижтимоий йуналиши жуда заифлашиб кетди. Жамиятнинг муқим принципи — меҳнатга яраша тақсимлаш принципи бузила бошлади. Баъзи юқори мартабали шахслар фаолиятида юз берган салбий ҳодисалар меҳнаткаш инсоннинг дилини каттиқ ранжитди, ҳафсаласини пир қилди, кадр-қиммати ва нафсонияти камситилишига олиб келди. Ҳозирга қадар капиталистам мамлакатларда инсон қақ-қуқуқлари, эркинлиги, қадриятлари поймол қилинаётгани ҳақида истаганча гапирдик, шов-шув кутардик, ўзимиздаги унча-мунча ютуқларни эса мутлақлаштирдик керагидан ортиқ мадх этдик. Афсуски, уша кезларда инсоннинг ор-номуси ва қадриятлари оёқ ости қилинаётган эди. Ижтимоий адолат бўзилган, қонун-қоидалар, ҳуқуқ-тартибот суиистеъмол қилинган эди. Уша даврларда купчилик одамлар ноҳақ қамалди, жазоланди, айбсиз айбдор булиб қолишди, инсоний қадриятлари ерга урилди.

Маҳкамачилик маъмурий-буйруқбозлик ҳукмронлик қилган шароитда умумийликининг яққалиқдан, ижтимоий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан устунлиги баҳонаси остида инсон моддий, манфаатдорлигининг оқилона чегаралари кескин торайтирилди, социалистик тузумнинг инсонпарварлик моҳияти йуққа чиқарила бошланди. Буларнинг ҳаммасидан халқнинг тоҳати-тоқ бўлди. Амалга ошмаган даъватлар ва ваъдалар шу қадар куп бўлдики, оқибатда уларга ҳеч ким ишонмай қуйди. Инсоннинг манфаатлари, кадр-қиммати қақида қанчалик куп гапирилган бўлмасин, лекин бу гаплар моддий ресурслар, ҳуқуқий қафолатлар билан мустаҳкамланмади.

Ун йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, умуминсоний қадриятларни

социалистик жамият имкониятлари ва талаблари даражасида юксалтириш масаласида, йиғилиб қолган муаммолар қалқиб юзага чиқди, уларни ҳал қилиш зарурияти биринчи даражали аҳамият касб этарди. Худди ана шу шароитда мамлакатни қайта қуриш, инсонпарварлик қадриятларига асосланадиган жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш масаласи уртага қуйилди. Бундан бошқа йул йуқ эди. Инсонни амалда ижтимоий таракқиётининг марказига қуйиш, унга муносиб турмуш ва меқнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликини, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни жамиятимиз ўзининг асосий мақсади деб билди.

Меқнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш масаласида Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Инсон турмуш фаровонлигини яхшилашнинг, кадр-қимматини оширишнинг энг, асосий масалаларидан бири — бу уй-жой масаласидир. Республика раҳбарияти ташаббуси билан бу борада дастлабки жиддий қадамлар қуйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хужаликларни кенгайтириши ва уй-жой қуриш учун ер ва мабларлар ажратилди, қурилиш материаллари билан ёрдам берилмоқда¹⁵.

Жумхуриятимизда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириш устида қатъий иш олиб борилаётганлиги, бошланғич синф укувчиларига бепул овқат, ҳомиладор, бемор аёлларни қўшимча, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йулга қуйилганлиги, ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон, ёлғиз қолган қарияларнинг шарритларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф этилаётганлиги, пенсия билан таъминлашнинг яхшиланаётганлиги инсонга ғамхурликининг амалий исботидир.

¹⁵ Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003.30-бет.

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, миллатларнинг тили, маданияти, тарихи, удумлари, жамики моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақидаги тасавури фақат ғоя эмас, балки туйғу қамдир. Миллий туйғу — табиий туйғудир. Унда миллатнинг тарихий, ҳозирги аҳволи, миллий руҳияти ва хусусиятини тушуниш хиссий шаклда мужассанлашган булади. Инсонда миллий онг ва ғурур булмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг ўз миллий манфаат ва қадриятларини қандай қилиб англашини тасаввур қилиш қийин. Токи миллатлар, миллий манфаатлар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий ҳис-туйғулар ҳам, миллий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллатни миллий қадриятлардан маҳрум қилишга уриниш — тарих ва инсоният учун энг катта жиноятдир¹⁶.

Ҳар бир кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси булади. Ҳар бир миллатда ҳақ худди шу ҳолни кураимиз. Бу туйғу инсоннинг алоҳида қадр-қиммат туйғусига ухшайди. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Миллий қадриятларнинг кучайиб бориши миллий маҳдудликка, миллий худбинликка, ўз миллати манфаатларини биринчи уринга қуйиш, бошқа миллатлар ва халқлар манфаатларини ҳқисобга олмасликка, миллий мақтанчоқликка олиб келмаслиги керак. Миллий қадриятларни умумбашарий қадриятлардан ажратиб олиб, унга маҳлиё булиб кётиш, бирор миллатни мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш бошқа миллатлар вакилларининг миллий туйғулари ва нафсониятларига бирмунча тегиб кетади. Бу миллий туйғулар миллатчилик туйғуларига айланиб кётиши мумкин. Бу энг хавфли нарса. Шунинг учун ҳам бу масалада

¹⁶ Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007. 35-36 бетлар.

хушёрлик назокат, инсоф, диёнат, камтарлик қуюшқондан чиқиб кетмаслик ўзга миллат кишилари тили, маданияти, тарихи, анъана ва удумларини астойдил ҳурмат қилиш талаб қилинади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан бевосита борлик. Уларнинг ҳар иккаласи бир-бирига таъсир этади, бири иккинчисини тулдиради, мазмунан бойитади.

Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлардан мазмун жиҳатидан чуқур ва кенг булиб, уни ўз ичига олади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларининг яхлитлиги ва умумийлигини ифодалайди. Шунини таъкидлаш керакки, мамлакатимизда биронта ҳам халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умумий жаҳон цивилизациясидан ажралган алоҳида тарихга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиш тарихи бир-бири билан чирмашиб кетган. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз доирасида чекланиб қолмай, бошқа миллатлар ва халқлар билан биргаликда тараққий этади.

Бутун жаҳон иқтисодий ва маънавий тараққиёти халқлар, миллатлар, элатлар, уруғлар ва қабилалар» тарихий тақдирларининг ўзаро борланиши, чирмашуви, бир-бирини тулдириши асосида амалга ошади. Агар бирор миллат бошқа миллатлар билан умумий хусусиятларга эга булмаганда, иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада булмаганда, улардан урганмаган ва ўзидаги ютуқларни бошқалар билан баҳам курмаганда эди, у -бахтсиз миллат булган булур эди. Бундай миллат жаҳон цивилизациясининг самараларидан фойдалана олмаган буларди.

Халқнинг улуғворлиги миллий махдудликда эмас, балки умуминсоний хусусиятларга эга эканлигида, жаҳон цивилизациясига қушадиган ҳиссасидадир. Айни чоғда бошқа бир нарсани ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Гап шундаки, миллий манфаатларни, миллий қадриятларни умуминсоний манфаатлар ва қадриятларга қарама-қарши

қуйиш, муайян ижтимоийи иқтисодий ва бошқа муаммоларни қайсидир миллат ва элатнинг манфаатларига хилоф равишда ҳал этишга интилиш, миллий манфаат баҳонасида миллий худбинлики, текинхурликни олқишлаш миллатлараро муносабатлар тараққиётига салбий таъсир утказди. Бир миллатнинг манфаат ва қадриятлари бошқа миллатникидан ажратилмаган ҳолда урганилиши керак.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элат сингари ўзбек халқининг ҳам ўзига яраша ажойиб моддий, маънавий, тарихий қадриятлари бор. Уларни оқилона ва ҳолисона урганиш мустақиллик шароитидаги иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир. Инсоний ва миллий қадриятларга ёндошишда илмий ва ҳолисона иш тутиш керак.

Миллий маданият ва анъаналарга, миллий қадриятларга қурмат билан қараш — миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий б;/тинидир.

Халқларимизнинг яхши анъаналари, удумлари, меҳ-жатсеварлик ҳалоллик меҳмондустлик яхши қуни-қушничилик катта ва кичиклар, фарзандлар ва ота-оналар уртасидаги ҳурмат сингари ажойиб иисоний :хичқлатлари қайта тикланмоқда. Миинг йиллар мобайнида шаклланган маънавий ва миллий қадриятлар ҳозирги даврда яратилган маънавий бойликлар билан қушилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий поклики таъминлашга кумаклашади, албатта¹⁷.

Халқимизнинг буюк фарзандлари хотираларини абадийлаштириш, уларнинг кадр-қимматини тиклаш, юбилейларини утказишда республикаимизда кейинги вақтларда куп хайрли ишлар қилинмоқда. Шулардан бири — ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланганлигидир. Шароф Рашидовнинг туйи умумхалқ туйига айланиб кетди, чунки у ўз ҳаётини тула-туқис халққа хизмат қилишга сафарбар этган олижаноб инсон эди. У ватанимиз бошига

¹⁷ Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003.35-бет.

мусибат тушган кунларда ҳам, унинг бахтли-саодатли кунларида ҳам доимо халқ билан бирга эди.

Минг афсуслар билан шуни айтиш керакки, Шароф Рашидов вафот этганидан кейин, унинг номига таъна тошлари отила бошлади. Унинг номини бадном қилиш ниятида «шароф рашидовчилик» деган ярамас ибора сунъий равишда уйлаб топилди. Ғаламислар қанчалик ҳаракат қилишмасин, барибир Шароф Рашидовнинг қутлуг номига заррача булсада доғ тушира олмадилар. Ҳақиқат эгилади, лекин сўнмайди, деган халқ мақоли бор. Мана эндиликда Президентимиз И.А.Каримовнинг жасуруна ҳаракати ва халқпарвар сиёсатининг қонуний оқибати сифатида Шароф Рашидовнинг номи яна фахр-ифтихор билан тилга олинадиган булди.

Инсон кадрини эъзозлаш, унинг обрӯ-номусини тиклашда минтақамиздаги шаҳарлар, жойлар, вилоятлар, туманлар, хужаликлар, мактаблар, кучалар ва ҳоказоларга халқимизнинг улуғ фарзандлари номларини бериш катта сиёсий ва тарбиявий аҳамият касб этади, албатта. Лекин бундай ишлар шошмашошарлик билан эмас, балки оқилона ҳал қилиниши лозим. Чунки кейинги бир-икки йилда жуда куп совхозлар, колхозлар, мактаблар, шаҳарларга янги ном қуйишда купол хатоларга йул қуйилди. Масалан, айрим хужаликлар, ҳаттоки баъзи ресторанлар, ошхоналар, дуконларга ҳам А.Навоий,- Амир Темур сингари улуг зотларнинг номлари берилмоқда. Бизнингча, Ҳоразмий, Улуғбек Навоий, Бобур, Темур каби буюк инсонларнинг муборак номларини йирик илмий марказлар, дорилфунунлар, ҳарбий. уқув билимгоҳларига берилса, тарихий ҳақиқатга мос тушган булур эди.

Инсонни эъзозлаш, унинг кадр-қимматини жойига қуйиш — бу миллий кадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг қадимий ва бой тарихига, унинг анъаналари ва урф-одатларига хурмат билан қараш демақдир.

Ҳар бир инсоннинг бахт-саодати, унинг келажак ҳаёти бутун инсониятнинг тақдири билан ўзвий боғлиқдир. Инсон биологик ва ижтимоий омилларнинг жамулжамидир: Жамият биологик омилларнинг

инсонни камол топтиришдаги аҳамиятини янада оширишга қодир эмас, Лекин инсонни мукаммаллаштиришда асосий урин тутадиган ижтимоий омиллар ролини ошириш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда бутун инсоният олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш, мамлакатлар уртасидаги савдо, иқтисодий, маданий алоқаларни мустақкамлаш катта аҳамият касб этади¹⁸.

Ҳозирги тарихий жараёнларнинг ривожланиши, бир томондан, қар хил давлатлар ўртасидаги муайян зиддиятларнинг сақланиб қолиши билан, иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамияти давлатларининг ўзаро борлиқлиги тобора кучайиб бориши, турли халқларнинг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзининг байналмилал тус олиб бориши билан характерланади. Ана шундай қарама-қаршилиқлар кураши орқали зиддиятли, аммо ўзаро боғлиқ, куп жиҳатдан яхлит дунё қийинчилик билан таркиб топиб бормоқда.

Айни пайтда барча халқлар учун муносиб, чинакам инсоний турмушнинг моддий ва маънавий шарт-шароитларини яратиш, планетамиздаги ҳаётни таъминлаш, унинг бойлиқларига, аввало, энг катта бойлик—, инсоннинг ўзига, униинг имкониятларига авайлаб муносабатда булиш давримизнинг долзарб муаммоларига айланиб қолганлиги бежиз эмас.

Ҳозирги замонда инсоният цивилизациясининг тараккиёти билан боғлиқ булган энг муқим, ва асосий муаммо — бу Ер- юзидаги тинчликни сақлаш, ядровий урушнинг олдини олиш, халқаро хавфсизликни таъминлашдир. Биз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, инсоният атом энергиясига харбий аҳамият бахш этилган ядровий қуроллар асрига қадам қуйиб, абадийликдан маҳрум булиб қолди. Агар ядровий уруш бошланиб кетса, ер юзидаги ҳамма жонли нарсалар йуқ қилиб ташланади. Мавжуд ядровий аслаҳоналар шундайки уларда ер юзида яшайдиган ҳар бир киши ҳисобига униинг атрофидаги жуда катта минтақани вайрон қилишга қодир

¹⁸ Гуннар Скирбекк Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 685-бет.

булган зарядлар жамлаб қуйилган. Ҳозир битта стратегик сув ости кемаси йуқ қилиб ташлаш кучи бир неча иккинчи жаҳон урушига тенг булган потенциални ўзи билан олиб юради. Ҳолбуки, неча унлаб ана шундай сув ости кемалари бор.

Атом энергиясидан ҳарбий мақсадлар йулида фойдаланиш инсониятнинг бундан кейинги тақдирини хавф остида қолдиради. Чунки ядро қуроли қулланилса, ер юзидаги барча тирик мавжудот қирилиб кетади. Бизнинг цивилизация йуқ булиб кетади, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йуқ.

Ҳозир дунёда илгариги даврлардагига нисбатан ядро қуроли ва уларни ташиш мосламалари анча қупдир. АҚШ билан собиқ СССР ҳудудидаги ядро қуролларининг талафот кучи 60 минг мегатоннани ташкил қилади. Олимларнинг тахминича, агар уруш бошланиб, ядро қуроллари қулланиладиган булса, бу ҳолда фақат 12 минг мегатоннагача қувватидан фойдаланилади. Солиштириш учун курсатиш мумкинки, иккинчи жаҳон урушида қулланилган барча портлатиш қуролларининг умумий қуввати атиги 6 мегатоннани ташкил қилади. Бошқача айтганда, ядровий уруш буладиган булса, бунда портлаш кучи беш йил давом этган иккинчи жаҳон урушидагига нисбатан икки минг баробар қуп булиб, у фақат бир ёки икки кунда юз беради.

Термоядро қуролининг учта техник хусусияти инсониятни, цивилизациями катта хавф-хатар остига қуяди.

Биринчидан, термоядро қуроли катта талафот кучига эга. Агар оддий уч мегатонна қувватга эга булган ядровий қурол қулланилса, - Хиросимадагига нисбатан ёнгин майдони 150 маротабагача қуп талафот майдони эса 30 маротабагача қуп булади.

Академик А.Д.Сахаров таъкидлаганидек оддий зарядли қурол бирор-бир шаҳарга ташланса, шаҳарнинг 100 кв.км. қисми тула талафот куради ва ёнгин булади, унлаб миллион квадрат метр уй-жой ҳонавайрон булиб, 1 миллиондан қупроқ иморатларнинг харобалари остида, ёнгиндан, радиацияланган чанг-тузондан бугилиб ҳамда ер ости мосламаларининг

беркилиб қолиши натижасида халок булади. Ер устидаги портлатиш ун минглаб квадрат километр майдонд радиоактив чанглар таъсири остида инсонлар учун ҳалокатли нурланиш хавфини турдиради.

Иккинчидан, термоядро қуроли ишлаб чиқариш қиймати олдинги урушда минглаб фойдаланилган ҳарбий самолётларни ишлаб чиқаришга сарфланган мабларга нисбатан анча арзон.

Учинчидан, ядро-ракета ҳужумидан ҳимояланишга ийтилишнинг амалий самара бермаслиги. Шунга қарамасдан, бу қуроллардан ҳимояланиш учун бир қанча хилдаги кучли ракеталар ишлаб чиқарилди, лазер нурларидан ана шу мақсадда фойдаланиш қурилмалари ихтиро этилди, лекин бу қурол билан ҳужум қилиш техникаси ҳимояланиш техникасидан анча ўзиб кетган.

Юқоридаги сабабларга қура термоядро қуролидан фойдаланиш мумкинлиги инсоннинг генотип сифатидаги ҳамда инсоният цивилизациясининг мавжудлигини катта хавф-хатар остига қуймоқда.

Демак бутун инсоният олдида турган умумбашарий муаммолар — термоядро қуролининг қулланилиши ва инсониятнинг атом ёнрини натижасида қалокатга дучор бўлиши хавфини бартараф этишдан иборат. Ҳозирги пайтда тинчлики астойдил сақлаш ва мустаҳкамлашдан қура зарур ва муҳимроқ вазифа йук. Тинчлик булмаса таракқийёт ҳам, тарихнинг ўзи ҳам булмайди, зеро тинчлик инсоният турмушининг туб шартидир.

Ядро урушида енгиб булмагани каби қуролланиш пойгасида ҳам ютиб чиқиш мумкин эмас. Ер юзидаги бундай пойгани давом эттириш, айниқса, уни космосга ҳам ёйиш ядро қуролини такомиллаштириш суръатини яна ҳам тезлаштиради. Ер юзидаги вазият бундан кейин сиёсатчиларга борлиқ булмай қолиши мумкин. У тасодифнинг қули булиб қолади. Ҳаммамиз будунёда тенг яшавий урганиш, янгича сиёсий фикрлашнн ишлаб чиққиш зарурлигига юзма-юз келдиқ чунки бу-гунги куннинг шароити ҳатто бундан уттиз-қирқ йил аввалги шароитдан ҳам мутлақо бошқадир.

Модомики, ядровий урушнинг олдини олиш, тинчликини сақлаш умуминсониятнинг олдида турган долзарб вазифа экан, унга эришиш учун жақондаги ҳамма кучлар, қаракатлар бирлаштирилиши лозим¹⁹. Инсониятнинг ўз-ўзини сақлаб қолиши, унинг бугун, эртага, ҳаммаша бахт-саодатли булиши учун унинг куч-қайратларини бирлаштиришга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундан биз бир-биримизга боғлиқ эканлигимизни, дунёнинг яхлитлигини яққолроқ қуряпмиз. Чернобилъ ва бошқа шаҳарлардаги атом электростанцияларида юз берган авариялар атом қуролларининг синовдан утказувчи ҳарбий томонларнинг атроф муҳитга, аҳолига қурсатаётган салбий таъсири, радиоактив чиқиндиларни сақлаш ва шу каби муаммолар турли мамлакатларда яшовчи кишиларнинг тақдирига дахлдор эканлигидан яққол далолат беради. Шунинг учун қам кейинги йилларда турли мамлакатларда ядровий қурол хавфининг олдини олиш, ядровий синовларни тухтатишга қаратилган турли оммавий ҳаракатлар авж олиб кетмоқда. Бунга таниқли қозоқ ёзувчиси Олмас Сулаймоновнинг ташаббуси билан шаклланган «Семипалатинск — Невада» ҳаракати, ядровий қурол синовларини тухтатишга қаратилган бошқа ҳаракатлар мисол була олади. Уларнинг қуп қиррали фаолияти натижасида кенг халқ оммасининг онгида ядро қуролининг хавфлилиги билан бир қаторда унга сарфланаётган маблағларни кенг халқ оммасининг кундалик эҳтиёжларини кондиритиш учун сарфлашнинг афзал эканлиги тугрисида фикр ҳосил булмоқда. Ер юзида қуролланиш пойгаси учун минутига 1,5 миллиард долларга яқин пул сарфланмоқда. Айти пайтда ҳар бир киши бошига 3,5 тоннага яқин портловчи модда тугри келади. Ҳар йили дунёда ҳарбий мақсадлар учун қарийб 1 триллион доллар сарф этилмоқда. Сайёрамиз миқёсида ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш атиги бир қафта тухтатилса, инсоният учун бу тадбир ҳафта-сига 15 миллиард доллардан зиёд фойда келтирган булур эди. Келтириб утилган далиллар уруш ва тинчлик

¹⁹ А.Д.Сахаров. Тараққиёт, тинч-тотув яшаш ва ижодий эркин-лик қақида уйлар. Вопросы философии, 1990 йил, 2-сон, 5- бёт.

муаммоси ҳозирги замоннинг ҳар қандай умумбашарий муаммосини ижобий ва оқилона ечишнинг зарур шarti ва асоси эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Ҳозирги даврда бутун инсониятнинг олдида турган яна бир муҳим муаммо — бу қашшоқликни тугатишдир. XX асрнинг ҳозирги босқичида — фан ва техника гуркираб ривожланаётган, коинот ўзлаштирилаётган даврда ўзоқ йиллар давомида мустамлакачилик ҳукмронлиги остида келган мамлакатлардаги бир миллиарддан кўпроқ аҳоли овқат етишмаслиги, нормал уй-шароитининг йўқлиги, таъбат хизматининг ёмонлиги туфайли қашшоқликда ҳаёт кечирмоқдалар. Натижада кишиларнинг уртача умри бу мамлакатларда АҚШ, Япония, Италия, Франция, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлардагига қараганда камида 20 йил кам булмоқда. Кейинги ун йилликлар мобайнида учинчи дунё деб аталган мамлакатларда қашшоқлик шу қадар кенг ёйилган ва шу қадар кучайганки, бу инсоният учун шармандалиқдан бошқа нарса эмас. Қашшоқликнинг олдини олиш учун ривожланган мамлакатлар қашшоқ мамлакатларга ёрдам беришни кучайтириши лозим. Шунинг билан бир қаторда ер юзидаги мавжуд ресурслардан оқилона, фойдаланиш зарур. Самарали, тенг ҳуқуқлилиқка асосланган, планетанинг ресурсларидан умуминсоний бойлик сифатида оқилона фойдаланишни таъминлаб берадиган халқаро усуллар ва механизмларга булган эҳтиёж борган сари аниқ кўринмоқда.

Бу шундан далолат берадики, ҳозирги дунёда ҳаммамиз борган сари бир-биримизга боглиқ булиб қолаётирмиз, бир-биримизга керакли булиб қолаяпмиз. Бинобарин, бу дунёда ҳозир бизнинг тақдиримиз бир эканлигини, битта планётада яшаб турганлигимизни унинг ресурсларидан фойдалаётганимизни, бу ресурсларни бир-биримиз билан айирбошлаётганимизни ва улар чексиз эмаслигини, уларни сақлаш керак эканлигини кўриб турган эканмиз, бу ҳаммамиз учун реал воқелиқдир. Тараққиёт жикатдан орқада қолиб келаётган мамлакатлар аҳолисининг қашшоқлигини тугатишда, уларнинг кундалик эҳтиёжларини кондириб,

керакли ноз-неъматлар билан таъминлаш учун экин экиладигай ерларга минерал ўғитлар билан ишлов бериш, суғориш тизимини такомиллаштириш, агротехникани кучайтириш, денгиз ресурсларидан самарали фойдаланиш, суний маҳсулотларни яратиш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ булур эди. Бу масалаларни ҳал этишда ривожланган мамлакатларнинг ёрдами катта урин тутади. Академик А.Д.Саххаров ер юзидаги халкларнинг қашшоқлигини тугатиш учун қарийб 15 йил давомида ривожланган мамлакатлар миллий даромадидан 20 фоизини қоқок мамлакатларга ёрдам сифатида ажратиб турса қашшоқликка бардам беришимиз мумкин, деган фикрни айтган эди. Ҳозир ана шу таклифни атрофлича урганиб амалга оширсак мақсадга мувофиқ булур эди.

Инсон ҳаётини сақлашда ҳозирги пайтда барча мамлакатларда кенг тарқалиб кетаётган касалликлар билан курашиш, унинг олдини олиш ҳам катта ақамият касб этади. Фан-техника ривожланиши билан бир қаторда ҳозир куп жойларда юрак ва қон томир касалликлари, рак, СПИД, наркомания ва шу каби касалликлар авж олиб кетаяпти. Бу навбатида инсониятнинг куч-қувватларини туплаб, фан ютуқларидан фойдаланиб, юқорида курсатилган касалликларни йуқ қилиш йулларини аниқлаб олишни талаб қилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, жумладан, Бутун жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ВОЗ)нинг фаолиятини янада жонлантириш катта ақамиятга эгадир.

Дунёдаги барча мамлакатларга тааллуқли булган умумбашарий муаммолардан яна бири — инсониятнинг энергияга нисбатан тухтовсиз усиб бораётган эқтиёжларини қондириш йулларини излаб топишдан иборатдир. Энергия ҳом ашёси масаласи шунинг учун қам жаҳон ақамиятига эга булган муаммоларни, инсон усиз ҳаёт кечира олмайди. Энергия инсоният учун ута зарур қисобланган материалларни, табиат яратмаган моддий буюмларни ишлаб чиқариш ва яратиш имконини беради. Демак энергиясиз инсон тараққиётини тасаввур қилиб булмайди. Табиат энергияга бой. Фан ютуқларига суянган ҳолда шуни айтиш мумкинки,

табий энергия манбалари — утин, кумир, нефть, торф, ёнувчи сланец, газ ва бошқа шу каби майдонлар ер баррида ҳар қанча куп булгани учун битмас туганмас эмас. Шунинг учун улардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш лозим. Бу Ўзбекистон Республикасига ҳам дахлдордир. Диёримизда кумир, газ, нефть бойликлари оз эмас. Лекин биз ҳозирча улардан самарали фойдаланишга қодир эмасмиз. Ангрен ер хазинларида бир қанча миллиард тонна кумир борлигига қарамасдан, биз ҳозиргача кумирнинг куп қисмини, Сибирь ва бошқа жойлардан олиб келишга мажбурмиз. Республикаимизнинг газга булган эҳтиёжи йилдан-йилга усиб бораётганига қарамасдан, унинг куп миқдорини бошқа давлатларга юборишга мажбурмиз. Табий энергия манбалари ҳар қанча сарф қилинса ҳам ҳеч қачон адо булмайди, деб ҳеч ким қафолат бера олмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2000 йилга бориб дунё буйича энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳозиргидан тахминан б марта ортади. Табиат ва ундаги барча бойликлар инсониятнинг бебаҳо хазинасидир. Табиат — муқаддас бир даргоҳ, инсон кўз очиб курган дунёдир. Биз яшаб, нафас олиб, кун кечириб турган табиат ҳамма-хамманинг — бутун инсониятнинг умумий қароргоҳи, умумий уйи, умумий масканидир. Табиат ва унинг бойликларини кўз қорачиғидай сақлаш умуминсониятнинг энг муқаддас бурчидир²⁰.

XX аср урталаригача, ҳатто яқин-яқинларгача ҳам инсон табиатга хоким, уни истаганча ўзгартириши, иродасига буйсундириши мумкин, деган нотугри фикр устунлик қилиб келди. Уша шароитларда бу фикр дунёнинг купчилик мамлакатларида, жумладан ўзимизда қам қуллаб-қувватланди. Табиатни иқтисодиёт талабига мослаштириб ўзгартириш авж олиб кетди. Қанча-қанча лойихалар вужудга келди. Дарё ва куллардаги балиқлар, паррандалар, ҳайвонлар эқтиёждан ортиқча овланди ва купчилиги ҳозир йук булиб кетди. Бир пайтлар Амударёнинг ўзидагина 140 дан ортиқ балиқ тури булганига энди бировни ишонтириш қийин. Урмонларга нисбатан қам кур-

²⁰ Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003.54-бет.

курона муносабатда булиш туфайли Ер шарида 100 йил аввалги 7200 миллион гектар урмондан ҳозир 4100 миллион гектар урмон қолди. Шу сабабли ҳам- табиатни муқофаза қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган долзарб муаммо булиб қолди.

Инсон табиатдан ўзига керакли нарсаларни олиш билан бир қаторда унга ҳар хил ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташлаб, табиатни захарлантормоқда. Расмий маълумотларга кура, ҳозирча ишлаб чиқариш табиатдан 100 дона модда олса, унинг атиги 3—4 фоиздан фойдаланиб, қолган 96 фоизини зақарланган ва бошқа чиқиндилар сифатида табиатнинг ўзига қайтармоқда. Индустиал жихатдан ривожланган мамлакатларда бир киши ҳисобига ҳар йили табиатдан 30 тонна модда олиниб, унинг атиги 1 — 1,5 фоиздан истеъмол маҳсулотлари сифатида фойдаланилмоқда, қолганлари эса чиқиндиларни ташкил этади.

Оқибатда биосфера ўз-ўзини тозалашга ожиз булиб қолмоқда, ҳозир атмосферадаги захарланган углекислота газининг миқдори қариб 20 фоизни ташкил этади. Бунинг ҳаммаси инсон соғлигига таъсир этиб, улар уртасида рак ва бошқа касалликлар сони йилдан-йилга купайиб кетмоқда. Ҳозирги пайтда дунё буйича ҳар йили 500 минг киши рак билан касалланган булса, унинг 60 фоизи атроф-муҳитдаги ҳар хил захарли моддаларнинг купайиши натижасида ҳосил булган.

Байкал, Орол, Каспий денгизларининг оғир аҳволи, уларнинг саноат ва қишлоқ хужалиги чиқиндилари билан захарланиши, атроф-муҳитни турлитуман техника воситаларидан чиқадиган захарли газлар билан ифлослантириш, ҳавони, ерни, сувни, қишлоқ хужалик маҳсулотларини химиявий моддалар билан захарлаш ва хоказолар инсоннинг сиҳат-саломатлигига зарар етказиб, унинг келажак ҳаётини хавф остига қуймоқда. Буни биз ўз республикамиз мисолида ҳам авдол куришимиз мумкин. Маълум бир даврда пахта яккахокимлиги туфайли ер, сув, ҳаво захарланди. Оқибатда неча минглаб кишилар ошқозон-ичак сариқ касалликларига мубтало булишди.

Пахта яккахокимлиги етказган иқтисодий, ахлоқий, жисмоний ва маънавий зарарнинг адоғи йуқ эди. Унинг зарарли таъсирини ҳамма соҳада — экологияда, ижтимоий турмушда, маориф ва маданиятда, таълим-тарбияда, соғлиқни сақлашда, саноат ва бошқа соҳаларда кўриш мумкин эди.

Орол денгизининг қисмати ҳам пахта яккахокимлиги билан узвий борлиқдир. Орол буйида содир булаётган экологик фожиани ўз кулами ва узоқ давом этадиган оқибатларига кура жаҳондаги сунгги энг катта экологик халокатлар билан қиёслаш мумкин. Қурбонлар, бир умр ногирон булиб қоладиган кишилар бор. Захарланган, яроқсиз қолга келтирилган замин, хувиллаб долган ва вайрон булаётган қишлоқлар бор. Энг хавфлиси шуки, беморлар орасида болалар купчилики ташкил этади. Ногиронлар мунтазам купайиб бормоқда. Қорақалпоғистоннинг бир қанча туманларида врачлар - оналарга гудакларни эмизмасликни тавсия этадилар, чунки она сути захарланган. Она сути захарланганлиги инсон ақлини лол қолдиради.

Ҳозирги пайтда Орол денгизининг сатҳи ниқоятда пасайиб кетди. Бир вақтлар йирик порт ва балиқчилик саноати маркази булган Муйноқ денгиздан 70 километр ташқарида, бепоён сақрода жойлашган шаҳарга айланди, Денгиз сатҳининг пасайиши, сув захирасининг минераллашуви ер ости сувлари таркибини ҳам ўзгартириб юборди. Ҳозир бутун Муйноқ шаҳри ташқаридан ташиб келтирилган сув билан таъминланмоқда. Яқин келажакда қорақалпоғистоннинг бошқа шаҳарлари ва қишлоқлари ҳам шу ахволга тушиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Денгиз сатҳининг пасайиши оқибатида қорақум ва қизилқум саҳролари оралирида ўзининг шурҳоқлиги ва набобат олами ниҳоятда ночорлиги билан фарқланувчи янги сақро ҳосил булмоқда. 20 йил муқаддам Орол буйларида 175 минг гектарни ишрол қилган гўзал туқайзорлар яшнаб турарди. Ҳозир унинг майдони зурға 22 минг гектарга етади. Денгизнинг куриши ва дарё дельтасининг таназзулга юз тутиши туфайли деярли 800 минг гектар камишзорлар йуқолди. Ҳозир ҳар йили Орол буйида узунлиги 500 ва эни бир

неча ун километрга чўзилган саккиз-туққиз кум ва чанг барханлар вужудга келмоқда. Шамол учириб келаётган кум ва чанг зарралари йилига 50 миллион тоннани ташкил этмоқда. Бу ҳол турли огир касалликлар тобора купайишига олиб келмоқда. Катта-катта экин майдонларини Орол атрофидан шамол учириб келган кум ва туз коплаб олмоқда. Орол денгизи Урта Осиёнинг бутун иқлимига таъсир этиб турган катта омилдир. Демак Орол шимолдан келадиган совуқ шамолларни қалқон сифатида тўсиб, Қорақалпоғистон, Ҳоразм ва Тошхўвўз вилоятларидаги иқлимни ҳосил қилади. Орол денгизининг қуриб қолиши Урта Осиё иқлимининг ўзгариб кетишига олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Оролни сақлаш ҳозирги пайтда нафақат Урта Осиё халқлари, балки умуминсониятга дахлли муаммоларга айланиб қолди. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда давлат ва ижтмоий ҳаракатлар томонидан Оролни асраб қолиш, табиатни муқофаза қилиш ниятида купгина тадбирлар амалга оширилмоқда, буларни изчиллик билан давом эттириш ва чуқурлаштириш — ҳозирги давр талабидир.

Умуминсоният олдида турган яна бир муҳим муаммо — бу ирқчилик миллатчилик фашистик тоталитар системалар хавфи авж олиб кетишига йул чуқмасликдир, инсоининг ва эркинликларини таъминлаш, демократия, ошкораликни ривожлантириш йули билан халчлар уртасида янги муносабатни тиклашдир.

Ирқчилик миллатчилик авж олган давлатларда инсон ҳудудлари ва эркинликлари муҳаррар равишда чекланади, тоталитар система барпо этилади, натижада руҳий, виждон эркинлиги оёқ ости қилинади, инсон ҳаётининг ўзи хавф остида қолади. Гитлеризм, сталинизм системаларининг оқибатида неча миллионлаб кишилар ҳалок. Натижада жамиятимизнинг ривожланиши бир неча йил орқага сурилиб кетгани ҳаммамизга маълум. Даҳшатли қатагон йилларида қанча одам отиб. ташланганлиги, сургун қилинганлиги, очлик ва касаллик сабабли ҳалок булганлар ҳозир ҳеч кимга - сир эмас. 1927 йилдан 1929 йилгача шу ролар мамлакатида тахмиман I

миллион, 1930—1932 йилларда 1,2 миллион, 1933 йилда ҳам камида 1 миллион, 1937— . 1938 йилларда яъни, «ежовчилик» ёки «буюк террор» йилларида эса 5 миллиондан 7 миллионгача одам оммавий чатагонлар қурбони бўлган. Тахминий ҳисоб-китобларга Караганда сталинизм қурбонларининг жами сони 40 миллион кишига ётади».

Ҳозир мамлакатлар уртасида янгича муносабатлар ривожланмоқда, улар демократия, ошкоралик инсоннинг куч ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Мамлакатлар уртасидаги-иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқаларнинг ривожланиши ҳам ана шу умуминсоний манфаатларни қўллаб-қувватлашга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замондаги мавжуд мамлакатларнинг бир-биридан фарқи, уларнинг таракдқй даражаси хусусиятлари, энг аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай даражада ҳимоя қилинаётганлиги, демократик жараённинг ривожланиши билан белгиланмоқда. Улар уртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқаларнинг ривожланиш истиқболлари ҳам ана шулар билан ўзвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқини ва эркинлигини таъминлаш, демократия принципларини янада ривожлантириш барча инсон ва инсониятнинг олдида турган долзраб муаммолар бўлиб қолнши қам бежиз эмас.

II-боб. Ҳозирги давр ғарб фалсафасининг миллий ғояга таъсири

2.1. Жамият тараққиёти истиқболининг фалсафий асаослари. Ҳаёт фалсафасининг продали шахсни вояга етказишдаги ўрни

“Биз она заминимиз бағридаги ҳр бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб – авайлаб, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича килаётган бу ишларизни кимгадир намоиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин”.

И. А. Каримов.

Саҳродаги сайёҳ ҳар доим чанқоғлигини қондириш учун бўлоқ сувини излаганидек инсон ҳам неча – неча азоблар, ҳаёт йўлида учраган хилма – хил тўсиқлар ва қийинчиликларни аста – секин енгиб боради. Маънавият тараққиётнинг юраги, жамият маънавият билангина тирикдир. Агар жамият тана бўлса, маънавият унинг руҳидир. Бу руҳ уни уюштиради ва илҳомлантиради, орзу ҳаваслар сари етаклайди. Маънавият аққли муносабат, журъат, онгли кураш асоси ғамдир. Маърифатли халқнинг руҳи соғлом, нияти поқ тилаги эзгу бўлади.

Миллий истқол ғояси Ўзбекитон халқининг туб манфаатлари, асрий орзу – умидлари, эзгу ниятлари, буюк мақсадларини ифода этиб, халқнинг ўз мақсад – муддаоларига эришиш учун маънавий – руҳий куч – қувват бўладиган пойдевордир. Бу жараён жамият аъзоларининг туб манфаатларини кўзда тутди, бинобарин, ҳар бир фуқарони миллий истиклол ғояси руҳида тарбиялаш шу юртнинг фарзандлари учун муқаддас бурчдир²¹.

Тарбия нима? Агар «тарбия» тушунчасининг туб маъносига эътибор берадиган бўлсак бу - инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва ҳолис бўлишини таъминловчи мураккаб жараёндир. Яъни, тарбияланган одам тарбиясиз одамдан шуниси билан фарқ қиладики,

²¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-бет.

биринчиси у ўзининг ким эканини, амалга ошираётган кундалик ҳатти-харакатлари, амаллари, уй-фикрлари ўзи ва ўзгалар учун канчалик манфаатли, фойдали эканини англайди, ўзини нохуш ҳаракатлардан тияди ва назорат қилади. Тарбиясиз одам эса, афсуски, ўз амаллари нафақат ўзгаларга, хаттоки, ўзига ҳам зиён, бефойда, бемаъни эканини билмайди. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай тарбиянинг бош мезони тарбияланувчида ўзи ва ўз фазилатлари хақида туғри тасаввурларни шакллантиришдан иборат дейиш мумкин.

Бой маънавий қадриятларимизга муносабатни белгилашда Президентимиз И.А.Каримов мақсад, нафақат илмий маданий меросни ўрганиш эмас, балки бетакрор хазинамизнинг илмий, амалий тамойилларини янги даврга хизмат қилувчи қирралари, ҳикматларини очиш, уларни ҳаётга тадбиқ қилишдан иборат эканлигини мутақиллигимизни илк кунлариданок белгилаб берган эдилар.

Президентимиз томонидан маънавиятни иқтисоддан устувор деб эълон қилиниши миллий давлатчилигимизнинг, миллий мафкурамизнинг асосини ташкил қилувчи улуғвор миллий ғоя эди. Бу миллий ғоя чуқур илмий асосларга эга бўлиб, жуда теран танланганлигини дунёвий, диний фанлар ва ҳаёт исботламоқда ҳамда бутун дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

И.А.Каримов миллий ғоя, миллий мафкура ҳар кунги ҳаёт шароитларидан келиб чиқиши билан бирга ҳар бир фуқаронинг, давлатнинг, миллатнинг истиқболидан ҳам келиб чиқишини «Фидокор» газетасининг мухбири билан (2000, июн) «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» номли мулоқотларида баён қилган эдилар. Чунки мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмуни, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кунини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади.

Президентимизнинг бу фикрларини ғоя, мафкура, миллий ғоя, миллий мафкура, маънавият атамаларининг этимологиялари ҳам тасдиқлаб беради²².

Маънавият – араб тилидаги “маъно” ёки “маънавиятун”, “маънои ғоя” сўзларидан олинган бўлиб, “руҳий ҳолат” деган маънони англатади.

Ғоя-инсонларнинг эзгу ниятлар, фикри асосидаги амалга оширилаётган жараёнлар, ишлар, истиқбол режалари, тамойилларидан иборат.

Мафкура – муайян тўзум даврида инсонларни давлат, жамият ўз-ўзига, халқи, оламга муносабатлари ва улар ривожининг маънавий-илмий тизимидан иборат.

Миллий мафкура – халқимизнинг маънавий-илмий менталитети, ғоялари асосидаги амалга оширилаётган ишлар, жараёнлардаги тутаётган йўли, давлатга, жамиятга, оламга, ўз-ўзига, тараққиётга муносабатлар тизимидан иборатдир.

Мақсадимиз аниқ - мустақил, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти асосида халқимизни фаровон ҳаётга эриштириш, шу мақсадга эришиш йўлида фикр эркинлиги, фаолият озодлиги асосида инсоннинг асл қадри моҳиятни рўёбга чиқара бориб, “инсон хазинасини очиш”. Бу ҳақида Президентимиз И.А.Каримов “Фидокор” газетаси (июн, 2000) мухбирининг саволларига жавобларида шундай деган эдилар: “Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди”. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда, ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади. Фикр ва фаолият эркинлиги аслида инсоннинг нодир ва бетакрорлигига асосланган. Чунки инсоннинг ўзлигини англаш, уни нодир ва бетакрорлигини англашдан бошланади. Инсоннинг нодир ва бетакрорлигини англаш биринчидан, унинг ўзида яширинган имкониятларни рўёбга чиқариш учун асос бўлиб, истакни шакллантирса, иккинчидан, унда

²² Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 15-бет.

бошқаларни ҳам бетакрор, улуғ сиймолигини англаш орқали инсонларни хурмат килиш, улуғлашни келтириб чиқаради. Учинчидан, бошқаларнинг ҳам нодир, бетакрорлигига ишониш, уларни хурматлаш қалбни ғараздан поклайди. Тўртинчидан эса, ҳар бир кишининг бетакрорлигини англаш асосида кишиларда бошқалар билан муомала ва муносабатнинг моддий, илмий, маънавий-маданий манфаат касб этишни инсоният ижтимоийлигига табиий зарурат туғилади. Шу юқоридаги сифатларнинг шакллана бориши комиллик сифатларининг асосларидан иборатдир.

Комиллик сифатларини тўлақонли шакллантириш учун эса фақат насихатлар, даъватлар етарли эмас. Инсоннинг маънавий фаоллиги амалий-касбий фаоллиги билан уйқунлашганда баркамоллик сифатлари табиий шаклланади, ривожланади. Айнан ана шу юқоридаги тушунчаларни тўғри англаш таълим-тарбиянинг методологик асосларини тўғри танлашга ёрдам беради. Чунки таълимнинг субъективлик демократик ҳуқуқий, инсонпарварлик асослари инсонларнинг нодир, бетакрорликларини рўёбга чиқаришдир.

Юқоридаги сифатлар инсон маънавиятини таркибий қисмларини ташкил қилади. Инсонлар маънавиятини кўтариш жамиятимизни юксалтиришнинг иккинчи устувор йўналиши эканлигини И.А.Каримов ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ХИВ сессиясидаги “Ўзбекистон ХХИ асрга интилоқда” номли маърузасида: “Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган ва ижодини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан”, деб жуда аниқ кўрсатиб бердилар.

ҳар бир инсон тўқис ҳаётга тўла имконлар билан яратилган. Аммо ҳар бир киши ўзига хос қобилият ва имкониятларга эга. Демак ҳар бир киши ўзининг шахсий қаёт йўлини топа олса, шу вақтда унинг ҳаёти жўшқин, фаолияти ижодкор, меҳнати унумли, фойдаси мўл бўлади. Киши аслида ҳақиқий бахтиёрликка меҳнат жараёнида эришади. Бу вақтда унга ғойибона

руҳий мадад берилади, моддий-маънавий яратувчанлик унинг истикболли янги ғоявий фикрлар уни амалий-ижодий йўлларга чорлай бошлайди. Шунинг учун ота-она, оила аъзолари, боҳча, мактаб, умумий таълим-тарбия муассасалари ҳар бир болани укуви, қизиқиши, қобилиятига асосан касб эгаллашга масъулдир. Инсонларнинг нодир ва бетакрорлигини бошланғич синф ўқувчиларга, ёшларга дунёвий диний илмларни уйғунлигида тушунтириб бериш маънавий зарурдир. Шу вақтда ёшлар айрим ғайридиний оқимлар аслида ҳайриилмий эканлигини онгли тушунадилар. Ҳа, ҳақиқатан, ҳар бир киши азалий яхши тақдир билан яратилган. Ҳар бир киши Парвардигори олам бу дунёга эзгу ниятлар билан, маълум ўзига хос улуғ мақсад ва вазифалар билан яратилган. Аммо инсон асли яратилишидан озод ва эркиндир. Инсоннинг озод ва эркинлиги шунчаликки, ҳатто унинг имон эътиқоди Оллоҳ таоло томонидан мажбур килинмайди. Бу ҳақида қуръони карим Шуаро сурасининг 4 оятида "... Зеро иймон-еътиқод ночор, ноиложликдан эмас, балки қалб қаноати билан ихтиёрий бўлиши лозимдир", дейилган. Чунки кишилар бу улуғ ҳислатлар фақат инсонлар фойдаси учунлигини, уларга амал килиш инсонлар учун ҳам маънавий, ҳам моддий манфаатларнинг асоси эканлигини онгли тушуниб, уларга амал килсалар бу ишлар улар учун хўзур-ҳаловат ва бахтиёрлик бағишлайди. Инсон маънавий-руҳий сиймодир. Унинг танаси моддий, латиф ва руҳий қисмлардан иборат. Моддий, яъни биологик танани латиф биоэнергетик майдон - тана ўраб олган. Биоэнергетик тана инсоннинг моддий танасидаги ҳамма ҳаётий жараёнларни уйғунлаштириб турувчи ҳаётий энергия манбаидир. Аммо ҳаётий жараёнлар инсоннинг руҳий қуввати-биоэнергетик танаси ёрдамида бошқарилади. У олий нерв системасининг функтсияси бўлиб, олам билан ҳамма вақт ўзвий алоҳада бўлади. Онг ости ҳар бир кишиларнинг тақдири, йўли, олий мақсади ва эзгу ниятлар асосидаги ҳаёт модели. ҳозирги илмий ахлоқий асосларга кўра у ҳомила уч ойлигидаёқ берилади. Энди унинг ривожига ота-онага, оиладаги муҳитга боғлиқ.

Агар киши ўз ҳаёти йўлини топа олса, унинг онги мустакил ривожланиб бориб онг ости йўналишига туша олса худди тўлқинларнинг мос келиши каби инсонда маънавий руҳий мутаносиблик содир бўлиб, у мукамал камолот йўлига киради.

Онг ости ва онг уйғунлиги виждон ёрдамида амалга оширилади. Виждон кишиларнинг онги, онг ости ва қалби мутаносиблигини амалга оширувчи маънавий-инсоний туйғу, сифат. Агар виждонни содда килиб тушунтириш лозим бўлса, виждон - инсоннинг қалб амри билан бажарган ишларининг (фаолиятини) руҳий мезонидир.

Доно халқимиз, ота-боболаримизнинг “худо қалбингда бўлсин, болам”, деган гаплари бежиз эмас. Шунинг учун асосий манбаларда, виждон ҳар бир кишининг қалбидаги худодир, дейилади. Киши ҳаётидаги қилган ишлари бўйича вақти-вақти билан ўз виждони олдида ҳисоб бериб туради.. Руҳий хасталик эса жисмоний хасталикка олиб келади, айрим ҳолларда бошқа кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин.

ОНГ ОСТИ. Дунёвий ва ҳаётий ҳақиқат асосидаги инсон шахсий фаолиятининг маънавий-руҳий йўли.

ИНСОН ОНГИ - унинг идроки, ақли орқали ҳаётий ва дунёвий ҳақиқатни фаҳмлаш асосида маънавий истикболли фаолият даражасидир.

ФАХМЛАШ-АНГЛАШ – бирор ҳақиқатни қалбан, руҳан фикрий сезиш.

ИНСОН ФИКРИ ўз онги ва идроки асосида ҳаёти ҳамда дунёвий нарсалар, жараёнлар ҳақидаги мушоҳадавий фаолият.

АЎЛ кишининг ўз идроки, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи-назардан амал килишдир.

ИНСОН ЎАЛБИ шахсий онг, маънавият ўзвийлиги асосида инсонни ҳиссий ва амалий фаолиятга ундовчи куч. У виждон, онг, фикр билан уйғунлашиб қалб нигоҳи, кўзи ва қувватига айланади.

ИНСОН РУХИ. Инсонни ҳар қандай тўсиқлардан олиб ўта оладиган, уни улуғ эзгу ишларга бошловчи маънавий қувват.

Биз бу маънавий-руҳий сифатларни алоҳида таърифлаш орқали тушуниш учун ҳаракат қилган бўлсак ҳам улар аслида ўзвий боғлиқдир. Инсон энг аввало руҳий-маънавий сиймо. Шунинг учун киши ўзининг ҳар бир ишидан маънавий-инсоний қаноат ҳосил қилиши керак. Маънавий-инсоний қаноат эса онг, қалб, руҳ ва фаолият уйғунлигидан содир бўлади. Бу ҳар бир кишига хос бўлган ички уйғунликдир. Ички уйғунлик кишини ўз ишидан қаноатланишига олиб келади. У ўзидан мамнун бўлади. Ички маънавий-руҳий гармония инсондаги биологик-физиологик ҳаётий гармониянинг асосидир. Бу ўз навбатида тан соғлиги ва руҳ тетиклигидир. Инсондаги ички гармоник мувозанатга катта ёрдам беради. Чунки инсон ташқи маънавий-руҳий олам билан жуда ўзвий боғлиқ бўлиб, аслида унинг бир ажралмас бўлқчасидир²³.

Инсон, маънавий-руҳий бутун олам, коинот билан узвий гармоник боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик ҳамма вақт маънавий-руҳий мувозанатдадир.

Нурнинг маънавий-руҳий тўзилиш таркиби ИЛМ, АЎЛ, ХИКМАТ, ФИКР, МАЪРИФАТдир. Демак бутун олам каби инсонлар учун ҳам нур фақат ёруғлик бўлиб қолмасдан, доимий маънавий ва маъфиратни ўзида мужассам қилган ва фаолиятда унга амал қиладиган кишиларни нуроний кишилар дейишади. Ҳа, бундай кишилар ҳақиқатан ўзларидан нур таратадилар. Бу нур кўзга кўринмас маънавий-руҳий сифатларга эга.

Нурнинг ёруғлик оқ ранг сифатларнинг тўзилиши бинафша, ҳаво ранг, яшил, сарик, олов ранг, қизил ранглардан иборат бўлиб, коинотдан келиши етти дунё билан инсониятни, моддий оламни ўзвий боғлаб туради.

Табиатда камалакнинг еттита рангини бир неча марта кўзатгансиз. Камалакнинг ҳар бир ранги етти осмоннинг ранглари бўлиб, оқ нур ранги эса уларнинг мажмуаси орқали бутун оламни гармоник ўзвийлигини таъминлайди. Худди шундай етти осмоннинг ҳар бирига мос мусиқа овози

²³ Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 55-бет.

мавжуд. Моддий олам, инсоният яна бир маънавий-руҳий сифат орқали ўзвий гармоник боғлиқдир.

Инсоннинг моддий-жисмоний танасидаги модда алмашинуви, ҳаётий жараёни унинг маънавий-энергетик танаси билан ўзвий боғлиқдир. Моддий-жисмоний тананинг ривожланиш даражаси эса маънавий-энергетик тананинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Моддий-жисмоний тананинг ўзи ҳам модда ва руҳий-ҳиссий қисмлардан иборат. Руҳий-ҳиссий қисм эса маънавий-энергетик тананинг таркибий қисми, у олам осмонлари билан ўзвий гармоник боғлиқ. Тананинг руҳий-ҳиссий қисмининг таркибий асосларидан бири инсон қалбидир. қалб шахснинг онг ва маънавият ўзвийлиги асосида инсонни ҳиссий ва амалий фаолиятга ундовчи куч бўлганлиги учун унинг поклиги инсон виждони билан боғлиқ. Виждон онг ости илоҳий қудратга ўз фаолияти учун жавоб берувчи шахсий ҳиссиётдир.

Хар бир киши ўзига хос ўқув, қобилият ва ҳарактерга эга бўлиб, унинг нодирлиги ва бетакрорлигини замонавий инсоншунослик фанлари ҳам исботлаб беришмоқда. Демак ютуқ ва муваффақиятларнинг биринчи гарови ҳар бир кишининг ўз ўқуви, қобилияти ва қизиқишларига доир фаолият, ҳаёт йўлини ҳунар, касб танлашидадир. Ютуқнинг иккинчи гарови шу ўзига мос танланган ҳаёт йўлидан донолик ақл билан фаолият кўрсатиш, энг кўп моддий ва маънавий маҳсулот олишдадир. Ақл билан фаолият кўрсатиш эса ўзи эгаллаётган соҳа бўйича истиқболли маънавий фикр юритишдадир. ҳа, соҳа бўйича истиқболли маънавий фикр инсон ютуқининг учинчи гаровидир. Агар орзу-ҳавасдан қалб поклик билан эзгу ниятларга йўлланмаган бўлса, онг ва фикр ривожи улар учинчи биоэнергетик танадан нарига ўта олмайди. Агарда орзу-ҳаваслар қалби поклик билан эзгу ниятларга йўлланган бўлса, маънавий-руҳий тананинг (онг ости) ишга тушиб, онг ва онг ости мутаносиблиги ҳосил бўлади. Бунда инсоннинг биоэнергетик қуввати оптималлашиб, катта куч ва қудратга эга бўлади ва бундай кишиларга ғойибона сифатлар дарвозаси очилади. Бундай кишиларга интуктив фикрлар АЛЛОҲ ТАОЛО томонидан ҳидоят ва ваҳийлар берила бошлайди. ҳақиқий

тақдир йўли энди очилади. Бундай маънавий-руҳий биоэнергетик қувват учун инсониятга тўртинчи дунёга назарлар дунёсидан ўтишга руҳсат қилинади. Чунки инсониятга оламга хавф соладиган ниятлар учун тўртинчи дунёдан нарига йўл беркитилади. Демак қалби поклик ва эзгу маънавий инсоний ниятлар онг ва фикр ривожини ҳамда фаолият ютуқининг асосидир. Онг, фикр, фаолият уйғунлиги эса маънавий-руҳий сиймо бўлган инсоннинг асл моҳияти очилса ишга тушади. Инсоннинг маънавий-руҳий моҳияти эса унинг маънавий-моддий маҳсулдорлигидир.

Моддий-маънавий маҳсулдорлик инсоннинг аҳлий амалий камолоти билан боғлиқ ҳолда босқичма-босқич ўсиб, фикр маънавий-руҳий сифатлар билан уйғунлашса, биринчи, иккинчи ва учинчи таналарда, тўртинчи, бешинчи танадан ҳам ўтиб, олтинчи ва еттинчи тана бешинчи, олтинчи ва еттинчи дунёларга уйғунлашганда соҳа бўйича кашфиётлар, янгиликлар, янги технологиялар, техник маҳсулий ғояларга йўл очилади. Фаолият қайси соҳада бўлса ҳам, деҳқон, ишчи, касиб, хизматчи умуман ҳамма касб-хунарларда ҳам фаолият амалий-ижодий, маънавий маҳсулийликдан юқори даражаларга кўтарила бормаса, биоэнергетик тана тўла ишга тушмайди. Биоэнергетик тананинг тўла ишга тушмаслиги тананинг маънавий-руҳий ривожига, у ўз навбатида жисмоний ривожланишига тўсиқ бўла бошлайди. Маънавий-маҳсулий ривожланмаслик маънавий-руҳий ўсишга тўсиқ бўлади, киши ўз моҳиятини бажармагач, онг ва онг ости номутаносиблиги бошланиб инсоннинг ўз-ўзидан норозилик кайфияти келиб чиқади. Кейин у кайфиятини кўтариш мақсадида сунъий йўллар қидира бошлайди. Бу ичкиликбозлик чекиш, наркомания, нашавандлик маиший бўзуқликларга олиб келади. Бу ижтимоий иллатларнинг олдини олишнинг табиий омили инсоннинг асл моҳиятини очиб уни жуда катта моддий, маънавий имкониятлар ва қудратини ишга солишдир. Чунки ўзининг уқуви, қобилиятини рўёбга чиқариш асосида бунёдкорона меҳнат қилиб моддий-маънавий маҳсулотлар яратиш ўзини, оиласини пок ҳалол луҳма билан боқиб, давлатни, халқини

моддий-маънавий бойитишга хизмат килган киши сўзда эмас, амалда ҳам хақиқий иймонли киши бўлади.

Кейинги йилларда яратилган илмий адабиётлар, чоп этилган илмий ва илмий-оммабоп нашрларда олиб борилаётган илмий таърифлашда “ахлоқ тадқиқотларда “ахлоқ” тушунчасини қўллаш ва унга дахлдор мавзуларни” тушунчаси мустакил тушунча сифатида қўлланилса, айримларида бевосита “маънавий -ахлоқ”, “ахлоқий камолот” каби синоним ёки муғобил сўзлар тарзда ҳам қўлланмоқда. Зеро, ахлоқсиз, ахлоқий талаблар ҳамда уларда ифода этилган ғояларсиз шахсининг руҳан ва жисмонан етуклиги муштараклиги, уйғунлиги бўлган маънавий комиллик шаклланмайди. Маънавият,-академик Э.Ю.Юсупов нуқтаи назарида, - инсон ахлоқ одоби, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий ўзгаришларнинг бари,бир- бири билан ўзвий боғланган жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир.

Бизнинг назаримизда, шахс маънавият- унинг онгида кечадиган ижобий мазмунга эга ўй-фикрлар, ниятлар, ғоялар, назария ва таълимотлар мазмунининг амалий фаолиятидаги татбиғида намоён бўлувчи руҳий жараён дир. Шунини таъкидлаш жоизки, шахс маънавияти асосида ижобий мазмунга эга бўлган ўй фикрлар, ниятлар, ғоялар, назария ва таълимотлар мазмунига етишишни эътиборга олиш лозим. Чунки, бошланғич синф ўқувчиси онгида ҳамиша ҳам ижобий мазмунга эга фикрлар кечмайди.Салбий фикрларга эга бўлиш эса маънавиятсиз, ахлоқсиз инсон қиёфасини кўрсатувчи муўим белгидир.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш ижтимоий муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омил саналади.Маънавий-ахлоқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик ўзвийлик алоқадорлик ҳамда диалектик ҳарактерга эга бўлиб, шахс маънавий ахлоқий камолотини шакллантириш асоси ҳисобланади.Маънавий- ахлоқий таълим бошланғич синф ўқувчиларига маънавий- ахлоқий, ижтимоий- ахлоқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билмларни бериш, улардан маънавий- ахлоқий билимларни

эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш маънавий- ахлоқий онгини қ шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил , ўзликсиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим. Маънавий- ахлоқий тарбия ўқувчилар томонидан ўзлаштирган назарий маънавий-ахлоқий билимлар негизида ижтимоий фаолиятни ташкил этиш борасида кўникма ва малакаларни ҳосил килувчи, ижобий мазмундагим маънавий- ахлоқий сифатларни қарор топтириш ва маънавий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган мураккаб динамик жараён ҳисобланади.Бошланғич синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантириш ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнларининг муҳим босқичидир.

Ўқувчи хулқи қатти-харакатларида маънавий маданиятларининг асосий мезонлари: инсонпарварлик меҳнатсеварлик миллий ғурур, ватанпарвалик меҳр-мурувват, иймон, ижодкорлик фаоллик ташаббускорлик ўз- ўзини назорат қилиш ва ўз- ўзини баҳолашни талаб этади. Бу ўқувчининг ватан, ота-она, дўстлари, жамоа олдидаги бурчига, вазифаларига , таълим- тарбия жараёнида намоён бўладиган фаоллик ижодкорлик хусусиятларига муносабати орқали амалага оширилади.

Бунинг учун энг аввало инсон фазилатларининг ўзаро муносабатларини ва ўрнини аниқлаб олмоғи лозим. Инсоннинг маънавияти унинг одоби, хулқи маданиятида ташкил топади.

Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон фазилатларини камол топиб бойиб боришига олиб келади.Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидан иборат.

Сифат алоҳида бир шахснинг муайян бир ҳислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир. Фазилат-алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга талукли бўлган ижобий-ахлоқий сифатлар мажмуи.Юқорида келтирилган барча ижобий ҳислатлар ўқувчи шахсини маънавий-ахлоқий даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш аниқ маҳсадга йўналтирилган яхлит педагогик жараён бўлиб, ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал қилинади:

1. Ёшлар маънавий-ахлоқий меъёрлар ҳамда ахлоқий муносабатлар моҳияти ва уларнинг ижтимоий жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида маълумот бериш.

2. Ёшларда маънавий-ахлоқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, маънавий –ахлоқий онгни қарор топтириш.

3. Ёшларда ижобий мазмундаги маънавий-ахлоқий сифатларни (билимлилик меҳнатсеварлик камтарлик меҳр- муруввати, ватанга, халққа муҳаббат, ота-она ва катталарга ҳурмат, инсонпарварлик саҳоват, бурчга садоқат ваҳоказоларни) қарор топтириш.

4. Ёшларда маънавий-ахлоқий мазмундаги хулқ- атвор, характер ва иродани шакллантириш.

5. Ёшларларда маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш .Ўқувчи-ёшларлар маънавий-ахлоқий сифатларининг қарор топиши тарихий –объектив шароитда шахс томонидан жамият тараққиёти, инсонларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқа доираларининг кенгайиши, такомиллашувига кўрсатиладиган таъсирининг ижобий, мўтадил ҳолатда бўлишини таъминлашда кўринади. маънавий-ахлоқий сифатларнинг қарор топиши қуйидаги умумий мазмун асосида рўй беради:

- Ёшларнинг маънавий-ахлоқийлик даражаси ижтимоий муносабатлар жараёнида, унинг жамият , атроф-муҳит ва табиатга бўлган ёндошувида намоён бўлади;

- Ёшларнинг маънавий-ахлоқий даражаси у мансуб бўлган жамиятнинг ижтимоий маънавий тараққиёти даражасига боғлиқ;

- Ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолоти объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида ташкил этиладиган ўзлуксиз, тизимли таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши натижасида вужудга келади;

- Ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолоти ижтимоий муносабатларининг йўлга қўйилишида ижобий натижаларга олиб келади.

- Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини амалга ошириш қуйидаги тамойилларга мувофиқ қўйилади:

1.Маънавий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий ғоявий асосга эга эканлиги. Ушбу тамойил маънавий- ахлоқий таълим ва тарбиянинг ягона ғоя Ўзбекистон республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ғояларини ўқувчилар ўртасида тарғиб этишда ифодаланади.

2.Маънавий-ахлоқий тарбиянинг изчил,тизимли, ўзлуксиз ташкил этилиши. Ушбу тамойил ўқувчиларга маънавий-ахлоқий билимлар бериш, уларда ижтимоий амалий фаолият кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий тарбия ишининг тизимлилигини таъминлаш, бир маромда ташкил этилишида намоён бўлади.

3.Маънавий-ахлоқий таъли-тарбия ғояларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ўқувчилар ўртасида ташкил этилаётган маънавий-ахлоқий тарбияни йўлга қўйишдан кўзланган мақсад уларда маънавий-ахлоқий сифатлар, маънавий- ахлоқ маданиятни қарор топтиришдан иборатдир.Мазкур тамойил маданиятни қарор топтиришга хизмат қидади.

4. Ёшлар маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришга ҳар томонлама (комплекс) ёндошади.Ушбу тамойил ўқувчилар маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантишда фанлараро алоқадорлик дарсида, синфдан ва мактабдан ташқари маънавий-ахлоқий таълим- тарбия ишларини ташкил этиш, маънавий-ахлоқий тарбияни олиб боришда оила, таълим масканлари, маҳалла, ижтимоий ташкилотлар, давлат ва жамият имкониятларидан самарали фойдаланишни назарда тутди.

5. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг ташкил этишда тарихий ворислик ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятлар уларда илаграи сурган ғояларга таяниб иш кўриш. Ушбу тамойил маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда миллий тарихий тажриба, шунингдек умуминсоний ва

миллий қадриятлар, уларнинг ғоялари таъсир кучига таяниб иш кўриш ўзида ифода этади.

6.Ижтимоий фаолиятни инсонпарварлик ва демократик хусусиятларга эга эканлиги. Ушбу тамойил ўқувчиларга маънавий- ахлоқий тарбиясини ташкил этишда инсонпарварлик ва демократик тамойилларнинг устуворлиги (ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш унинг кадр- ҳимматини юқори қўйиш, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш) ни ифодалайди.

7.Маънавий онг ва фаолият бирлиги. Ушбу тамойил маънавий- ахлоқий билимларни ўзлаштириш, бу борадаги фаолиятни ташкил этиш, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий маънавий- ахлоқий билимларнинг амалиётдаги ижросини таъминлаш асосида билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириб боришни англатади²⁴.

Маънавий – ахлоқий тарбияни ташкил этиш- бу фаол жараён ҳисобланади. Ушбу жараён анфақат ижобий ҳислатларни шаллантиришни, балки салбий сифатларни ҳартсараф этишни , ҳар қандай ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга қарши курашга ўқувчиларни ундашни ҳам кўзда тутати. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида ўқувчи (тарбияланувчи) нинг ўз-ўзини тарбиялашни кучайтириш катта аҳамиятга эга.

Маънавий- ахлоқий тарбия жараёнида баркамол шахс тарбияланиб вояга етказилади.

Шахснинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришга қўйиладиган ҳозирги замон талабларини амалга ошириш муаммолари динамик ҳарактерга эга бўлиб, ижтимоий тўзум тараққиёти билан боғлиқдир. Бу муаммони фалсафа, этнография, этика, эстетика фанлари тадқиқ этади. Маданият-арабча сўз бўлиб, у жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуидир. Демак маданият-инсоният фаолияти маҳсули натижаси сифатида, инсонларнинг моддий ва маънавий фаолиятлари жараёнида вужудга келади.

²⁴ Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётдан. Т., «Чўлпон», 2003. 60-бет.

Маданият жамият тараққие ти даражасини характерловчи, ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида мужассам бўладиган тизим бўлиб, шахснинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий мазмунини ташкил этади. Бундан маданият шахс ва унинг фаолияти ўртасидаги ўзаро таъсирга доир қонуниятлар, шу жумладан, шахс ва жамиятнинг борлиққа бўлган маънавий муносабатларининг пайдо бўлиши, ривожланиши шахснинг талаби, - қизиқиш - хоҳишига мос равишда унинг маданий фаолиятини ташкил қилиш йўллари, маънавий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари тизими, шахснинг маънавий-ахлоқий ривожланиши ва маънавий маданиятни шакллантириш қонуниятлари мажмуидан иборат, деган хулоса келиб чиқади.

Маданият шахс камолотига моддий (техника, ишлаб чиқариш тажрибаси, моддий бойликлар) ва маънавий (фан, адабиёт, санъат, маориф, дин, умуминсоний ва миллий маънавий-руҳий қадриятлар) жиҳатдан таъсир этади. Моддий ва маънавий маданиятни унинг маънавий маданияти таъсирсиз, инсон онги ва фаолиятидан ташқари яратилмайди.

Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири натижасида ақлан етуқ ахлоқан яхлит шакланган шахс таркиб топади. Инсон бирор моддий бойлик яратар экан, авало, унинг қурилиши, ишлаб чиқариш жараёни ва галим-трбиявий натижасини ўз онгида тасаввур этади, амалий аҳамиятини олдиндан кўра билади.

Шахс ташқи олам, воқеа ва ходисаларни ақл, идрок руҳий ҳолат, ички кайфиятлар орқали қабул қилиб олиши жараёнида маънавий маданият ташкил топади. Юксак маънавий маданиятли инсонда ва танга муҳаббат, самимий дўстлик инсонпарварлик меҳнатсеварлик мустаҳкам эътиқод, иймон, нафосат, ахлоқий маданият сингари фазилатлар мужассамлашади. Унинг сифат даражаси кишиларнинг умуминсоний ва миллий қадриятларга халқнинг маънавий меросига бўлган муносабатларида номоён бўлади. Маънавий-ахлоқий маданиятнинг негизи ҳисобланган умуминсоний ва миллий қадриятлар шахснинг ижтимоий тўзуми устхурмаларига муносабати, турли маърифий-маданий ғоялар, тушунчалар, қарашлар, тасаввурлар

тизимининг маҳсулидир. Маънавий-ахлоқий маданиятнинг моҳиятини намоён этувчи объект шахс ҳисобланади.

Шахс сифатида шаклланадиган бошланғич ўқувчиларнинг маънавий камолотида ахлоқий маданиятнинг аҳамияти бенифоя катта. Ахлоқий маданиятга ахлоқий билимлар, малака ва кўникмалар, ахлоқ қоидалари ёрдамида ўқувчининг хулқ-атвори, хатти-харакатларини бошқариш тизимидир. Ахлоқий маданият ўқувчининг кўп қиррали фаолияти давомида шаклланиб ва такомиллашиб боради.

Ахлоқий маданиятнинг кўринишлари, унинг қирралари ва намоён бўлиш шакллари хилма-хилдир. Инсонпарварлик. Ҳалоллик, ташаббускорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, эрксеварлик, фаоллик, ижодкорлик, ҳақиқатгўйлик, масъулиятлик, саҳийлик, камтарлик, поклик ва шу каби қатор муҳим тушунчалар ахлоқий маданият тушунчаларидир. Бу ҳислатлар фаолият жараёнида маънавий маданиятнинг бошқа маданият қирралари билан биргаликда ўқувчи онги ва хулқига таъсир этади.

Ахлоқий онг ахлоқий маданиятнинг негизида ташкил этади. Ахлоқий онг ижобий фаолиятида ўз ифодасини топади. Унинг мезони ахлоқий билим, ахлоқ нормалари, ахлоқий тафаккур ҳисобланади. Ўқувчининг ахлоқий онги унинг хулқ-атворида меҳнатсеварлик ватанпарварлик ва бошқа юксак маънавий-ахлоқий сифатларни намоён этади. Шунинг учун ахлоқий маданиятнинг муҳим вазифаларидан бири ахлоқий онгни юқори поғонага кўтаришидир. Шу боисдан ахлоқий онгнинг етуқлигига эришиш ўзоқ давом этадиган ва мураккаб жараён бўлиб, у инсоният қўлга киритган барча ахлотсий-маънавий ютуқларни ўзлаштириш ва шу билан бир қаторда, муайян шароит тақозо этган муаммоларни бартараф этиш жараёнида амалга ошади. Бундан ташқари шахс маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш, жамият талаби ва шу жамиятда яшаётган одамларнинг мазкур ахлоқ нормаларига эҳтиёжи қизиқиши асосида маънавий тарбиянинг мақсад ва вазифалари белгиланади.

Маънавий-ахлоқий мазмундага таълим тарбия ишини ташкил этиш таълим муассасаси педагогик жамоасининг умумий ишининг таркибий қисми бўлиб, уларнинг ўтказилишида мактаб раҳбарияти, касаба уюшмаси аъзолари, тажрибали мутахассис ўқитувчилар, маҳалла кенгашлари, оналар кўмитаси, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек жамоат ташкилотлари, ходимлари ҳам иштирок этадилар.

Таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбияни йўлга қўйишнинг қўйидаги турлари алоҳида аҳамиятга эгадир: суҳбатлар, учрашувлар, эрталиклар, ҳафталиклар, ойликлар, кўриклар, конфронтация, баҳс-мунозара ва бошқалар.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда тарбиявий тадбирлар умумий тарбиянинг ажралмас қисми сифатида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг қамрови кенг, шу боис, уларни қандай шакл ва услубда ўтказилиши мутахассис-ўқитувчининг тажрибаси, маҳорати ҳамда ўқув муассасаси раҳбарияти, жамоасининг, фан ўқитувчиларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаши, уларга ташкилий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, шу билан бир-га ўқувчиларнинг истак-хоҳишлари, қизиқишлари, эҳтиёлари ва ижтимоий фаолликларига боғлиқ. Маънавий-ахлоқий мазмундаги тадбирларни ўтказиш ушбу тарбияни ташкил этишдаги қўзланган асосий мақсадга хизмат қилмоғи керак ғоявий тарбиянинг моҳияти. Шахс тарбиясининг муҳим юналиши - бу ғоявий тарбиядир. Бу - инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик ахлоқий, бадиий, касбий карашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига қўра ғоявий тарбиядир. Чунки оилани оламизми, болалар боқчасиними, маҳалла, мактаб, коллеж, литсей, университет ёки академияни оламизми – ҳаммасида бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равиши

учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга юналтирилган бўлади. Бу ишлар боланинг дунё хақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик хақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу – том маънода мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гуруҳ, миллат, халқ жамият бўлиши мумкин эмас.

Нима учун бир жамият, ижтимоий гуруҳ (масалан, сиёсий партия, ижтимоий ҳаракат) мафкурасини бошқа бир ижтимоий гуруҳга мажбуран сингдириш нотугри. Чунки мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ аъзоларига хос ўзларидаги мавжуд эҳтиёжлар, тилақ орзу, умидлар ҳамда манфаатлар асосида уша гуруҳнинг қарашлари, тасаввурлари дунёси ҳамда ғояларининг маъсули сифатида яратилади. Унда бошқалар манфаатлари ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Бас, шундай экан, ўзгалар манфаатини кўзловчи мафкурани халқ онгига зурлаб сингдириб бўлмайди. Масалан, америкаликларнинг ўз мафкуравий қарашлари бор, бу қарашлар тизими ҳар бир америкаликни юрти билан фахрланиш, унинг келажаги учун қайгуриш, бу юлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилишга ундаши табиий. Лекин бу қарашларга суянган ва уларни чуқур таҳлил қилиб урганган ҳолда биз ҳам фақат шундай қилсак бўлар экан, биз ҳам шу фақат юлдан бораёлик деб бўлмайди. Чунки ҳар бир жамият ривожининг ўзига хос қонуниятлари мавжудки, уша жамият аъзолари уларни ўзларининг туб мақсад ва манфаатлари асосида шакллантиради.

Масъулият. ғоявий тарбия мезонларидан бири бу масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришдир. Масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти маъсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун нима наф қелтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни ҳис қилган инсон ишни доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Шахсий масъулиятни фуқаролик масъулиятдан фарқлаш лозим. Биринчиси - шахснинг кундалик фаолиятдан келадиган шахсий манфаатни назарда тутса, иккинчиси жамият манфаатларини назарда тутди. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган инсон энг аввало ўзи меҳнат килаётган жамоа ёки таълим олаётган ўқув даргоҳи, ўз маҳалласи ва юрти равнақини ўйлайди. Мустиқил Ўзбекистон фуқаролари учун ягона мақсад Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат килиш бўлса, демак ҳар бир фуқаролик масъулиятининг маъно-мазмунини ана шу ғояларни амалга оширишда деб билиши даркор.

2.2. Прогматиз фалсафасининг ижтимоий-иқтисодий ғояларнинг шакилланишидаги ўрни

XX аср бошлари ва кейинги йилларда Ғарб фалсафасида прагматизм нҳамиятли урин тутди. «Прагматизм» тушунчасининг этимологик келиб чиқиши юнонча «прагма» сузидан олиниб, иш, ҳаракат маъноларини ашлатади. Фалсафа тарихида бу терминни илк бор И.Кант узининг «Соф ақлнинг танқиди» асарида «прагматик эътиқод» сифатида ишлатган.

Прагматизм асосчиси ЧАРЛЬЗ САНДЕРС ПИРС 1839 йилда Америкада туғилган ва шу ерда ижод қилган. Пирс АҚШда фақатгина файласуф булибгина қолмай, ўз даврида фаннинг астрономия, математика, химия, лошка каби соҳаларини ҳам ривожлантирган. Пирс семантика фанига ҳам асос солган. У шунингдек рамзий мантиқ ривожига ҳам катга ҳисса кушади ва математикада топология соҳа-сида Пирс-Листинг назариясини кашф қидди.

Прагматизм фалсафасида Пирс Декартнинг фалсафий қарашидаги «умумий методологик шубҳа» таълимотини атрофлича танқид қилади. Бу танқид Пирснинг 1868 йили «Спекулятив фалсафа журнали»да нашр қилинган илк мақолаларида уз аксини топган.

Пирс Декартнинг қуйидага уч асосий тамойилини қатъиян танқид остига олади: методологик шубҳа, интуиция ва ҳақиқат мезонининг ринмдан ва аниқ тоялар сифатида намоён бўлиши ҳақидаги қарашларини ипкор қилади.

Декарт фалсафасида асос қилиб олинган умумий шубҳаланшп таълимоти ҳақиқий билимнинг мутлақ ва ишонарли негизини яратиш учун шпар сурилгаи эди. Шунингдек Декартнинг бу услуби нуфузли шахслар фикрига кур-курона эргашишга, хурофотларга, кенг тарқалган оммавий фикрларга, баъзи эътиқодта қарши қаратилган эди. Декарт ташқи оламнинг объектив мавжудлигига ҳеч шубҳа қилмаган булса ҳам, унинг борлиги мантиқий асосларини ахтарди.

Пирсинг фикрича, ҳар нарсадан шубҳа қилиш Декарт айтганидек осонликча булмайди. Инсон ҳаётида шубҳаланмайдиган ҳодисалар ва иарсалар кам эмас. Уларнинг борлигидан шубҳаланкш ҳаётий тажрибага 1'Угри келмайди.

Пирс тафаккурни Декартдан бошқача тушуниб, уни инсоннинг ички руҳий ҳолатига, ишонч ва эътиқодига боғлайди. Декарт учун тафаккурда ғояларнинг мантиқий боғланиши борлиқцаги нарсаларнинг боғлаиши ни акс эттиради. Фикр ва тушунчалар нарсаларнинг мнъикосидир. Мирс учун фикрларнинг мантиқий боғланиши узинимг инъикос сифатмдаги аҳамиятшш йўқотади, у уз диққатини ғояларни боғлаб турувчи ички қонуниятларга қаратади.

Пирс учун ғоялар боғланишининг ички қонуниятлари ташқи олим даги объектларга эмас, балки улардан ташқаридаги «трансцендентал борлиқ»қа боғланади. Трансцендентал объектнинг борлиғини исботлиО бўлмайди, лекин биз уни борлигига шпониб, шунга асослангаи тарчда иш юритишимиз керақ Фикримизнинг тўғри ва нотў>ри йуналишдм ривожланиши шу трансцендентал объектга бориб тақалади. Пирсимг фикрича, ҳеч қандай ғоя нарсаларни акс эттириб, улар ҳақида муглиқ билим бермайди. Унинг учун ғоялар, фикрлар билим эмас, балки шрсаллр борлиғини курсатувчи белгилардир. Белгиларнинг ўзи ҳам тапқин қилн нишга ва уларнинг ички маъносини очишга Мўхтождир. Бу белгилариш маъносини улардан юқори даражада турган бошқа белгилар очиб беради. Уз навбатида юқоридаги белгилар, улардаи ҳам юқорида турган бошқа белгилар томонидан талқин қилинади ва бу жараён чексиз бўлиб, унинг на бошланғич асоси, на охириги нуқтаси бордир. Шунинг учуи ҳам Пирс-бошланғич билимларни тан олмайди.

«Трансцендентал объект» белгилар орқали тушунтирилган билим жараёнидан четда қолади. Белгиларнинг моҳиятини очиб бериш мисала си кейинчалик Пирс томонидан ҳақиқат, ишонч ва билим ҳақидаш таълимотида ҳал қилинди.

Агар Декарт тафаккўрни ташқи оламни акс эттириш қобилийти, онгнинг инъикос этиш хусусияти, деб тушўнган бўлса, Пирс тафаккурни организмнинг ташқи муҳитга мослашиш фаолияти, деб тушунди. Шунинг учун нарсаларнинг ички моҳияти аҳамиятга эга эмас. Уларга биз қандай мослаша олишимиз ва қандай фойдалана олашимиз купрок аҳамиятга эга. Тафаккурни бўндай тушуниш психологик рўхга эгадир ва уни ач.ти код билан боғлашга имконият яратади. Эътиқод, Пирснинг фикрича ҳаракат қилишнинг энг фаол усулидир. Эътиқоднинг бундай талқимши Пирс XIX асрнинг машҳур инглиз руҳшуноси Бэйдан узлаштириб олади,

Билиш жараенида шубҳани муқотиш ва эътиқодни мустаҳкамлаш Пирснинг шубҳа-ишонч назариясининг асосий ғояси ва тафаккурининг асосий мақсадидир. Ишончга эришиш натижасида инсон тафаккури хотиржамликка эришади. Бу ички хотиржамлик тафаккурнинг асосий мақсадидир.

Эътиқодга эришиш ва фикр юриташ жараёнида хотиржамликка бўлиш Пирс таълимотида асосий уринни эгаллаганлиги учун уни фикрлар ва тушунчалар моддий борлиқни акс эттириш ёки эттирмаслиги қизиқтирмайди. Тафаккурда хотиржамликка эга булиш инсоннинг ички олами учун энг эътиборли ҳақиқатдир.

Шубҳа-эътиқод назариясини асослаш учун Пирс қунтлилик усулини киритади. Инсон ишонган нарсасига амал қилиши учун энг зарур бўлган хусусият тиришқокликдир. Бунга эга булган инсонлар ўз фаолиятида кўпинча мақсадларга эриша олишган. Уларга қаршилик қилган бошқа одамларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам уларни бу йўлдан қайтара олмаган. Лекин инсон жамиятда яшар экан, ҳар хил фикр юритувчи шахслар туқмашувининг олдини олиш учун Пирс нуфузли кишилар фикрши ҳам муҳим, деб ҳисоблайди. Масалан, урта асрлар давомида христиан черкови иа бошқа диний муассасалар бу усулдан кенг фойдаланишган ва одамларни шу усул орқали бирлаштиришган.

Фан услуби. Пирсинг фикри буйича, ишонч мустахкам кучли далилга асосланиши керак. Бундай далил сифатида Пирс фан усулини таҳлил қилди. Пирсинг фикрича, фан объектнинг таҳлил қилиниш ва таърифланиши учун зарур бўлган объектив реалликдир²⁵.

Бу реалликни қабул қилиш, унинг фикрича, кейинчалик объектив борлиқдаги ҳодисаларни урганишда керак бўлади. Лекин кейинчалик Пирс фаннинг объекти булган борлиқда гипотеза, деб олди. Олдин ўзи тан олган фан услубига узи қарши чиқди. Чунки Пирс бутун борлиқни эмас, узи ўрганганидан айрим объектларни тан олади. Шунинг учун ҳам Пирс бутун объектив борлиқнинг мавжудлиги фан томонидан исбот қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Унга фақат ишониш керак.

Ҳақиқат назарияси. «Биз ишонган нарса ҳақиқатдир» прагматизмнинг ҳақиқатга берган умумий таърифидир. Ҳақиқатни бундай тушуниш унга нисбий тус беради ва инсонларнинг онгига, ишончига боғлаб қуяди. Пирс олим булганлиги учун ҳақиқатни мутлақ ростлигини тушунчага айлантормади. Уни олимлар жамоасининг бирон-бир мулоқот масаласи буйича умумий фикрига боғлади. Шу йўл билан ҳақиқат тушунчасига умумийлик хусусиятларини бершига ҳаракат қилди. Бирон-бир нарса ҳақида айрим олимларнинг фикри эмас, балки купчилик олимларнинг умумий келишилган фикри ҳақиқатдир. Уша давр фанида янги геометриянинг пайдо булиши, ҳужайранинг кашф қилиниши, энергиянинг сақланиш қонунининг кашф этилиши натижасида шу нарса маълум буладики — фанда ҳам, кулчилик олимлар томонидан келишилган фикрларда ҳам хато булиши мумкин. Натижада Пирс ҳақиқат таърифини берар экан, бу таърифга янги сузларни киритди. Ҳақиқат — чексиз олимлар жамоасининг келишилган фикри, деди.

Кейинчалик бу таърифга Пирс мақсад тушунчасини ҳам киритди. У ҳақиқатни мақсадга шиб борувчи фаолиятга боғлади, яъни туғри фикр бизни нотўғри фанга нисбатан мақсадга тезроқ олиб боради, деб ҳисоблади.

²⁵ Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётдан. Т., «Чўлпон», 2003. 69-бет.

Уильям Жемс рухий прагматизми. Ч.Пирсинг фалсафий меросини ривожлантирган машхур америкалик файласуф Уильям Жомсдир. У кўпрок психологик ва диний томонларга эътибор бериб, уларин чуқурлаштириб, кенгроқ, оммабоп ҳаётий фалсафани яратди. Америка бадий адабиётида Уолт Уитмен қандай ўрин эгаллаган бўлса, У.Жемс фалсафада шундай уриняи эгаллади. У биринчи булиб соф америклча фалсафага асос солди.

У. Жемс (1842—1910) маданиятли, ўзига тўқ оилада тугилди. Унинг отаси диний мавзуларда куп асарлар яратди, акаси эса уз даврипиш машхур адабиётшуноси эди. Жемс болалик давридан куп саёҳат қилиб, натижада, қарашлари ғайримилдий (космополит) характерга эга эди, лекин бу тарбия унга америкача руҳиятни мужассамлаштириб, уз қарашларида акс эттиришга халақит бермади.

У Гарвард университетининг тиббий бўлимини тугатиб, шу масканда анатомия ва физиологиядан, 1875 йилдан биринчи булиб психологиядан дарс бера бошлади. 1879 йилдан фалсафадан ҳам ўқитувчилик кила бошлади. 1890 йилда 2 жилдлик «Психология асослари» асарини нашир этгарди. Бу асар XIX асрнинг психология соҳасидаги энг машхур асарларидан бири бўлди.

Фан ва дин ўртасидаги зиддият. Жемснинг асосий мақсади ривожланиши келаётган табиий билимлар билан диний эътиқодни бирлаштириш эди. Жемс олим сифатида Дарвин тарафдори эди, лекин Пирс сингари ривож диний таъсирдан ташқарида бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

1870—80 йилларда нашр этилган мақолаларида Жемс материализмга қарши уз ғояларини акс эттирган. 70-йилларда Жемс рухий инқироз ҳолатига тушиб қолади. Буига сабаб шу даврда Европада кенг тарқалган инсонга «онгли механистик мавжудот» сифатидаги муносабат, механистик материалистик қарашлар эди. Жемс диний ғояларда инсонни шгиржамликка олиб келадиган йулни курди. Атроф-муҳитни ураб чурган тасодифлар, қийинчиликлар, одамларнинг изтироблари диний нуқтаи назардан ҳаммаси

ўтмиш бўлиб кўринади. Бу фоний дунёда инсонни рухий покланиш учун қийинчиликлар синовидан ушоғи лозимдир.

Худога бўлган ишончда Жемс айрим инсонларга таянч нўқтасини бирмунча муҳим заминни кўрди. Бу замин инсонга амалий фойда келтиришни таъкидлаб ўтди. Жемснинг Худо хақидага тасавури айнан америкача хусусиятга эга эди. Бошқа халқлар тасавурида Худо буюк ва кудратли бўлса, униинг тасавурида Худо инсонинг ҳаётидаги хамроҳида инсондан Худога қанчалик наф тегса, Худодан инсонга ҳам шунча наф тегиши керак Худо ва инсон ўртасидаги муносабат ўзаро манфаатдорлик муносабатига айланди. Бундай муносабатда инсонларни бир-бирига бирлаштирувчи рухий куч ўрнига уларни бир-биридан ажратувчи ўзаро манфаат эгаллади.

Жемснинг фикрича, илоҳиёт оламини кўриб, ҳис қилиб бўлмаслигини фан орқали исботлаб бўлмаслиги туфайли унинг мавжудлигини биз гипотеза сифатида қабул қиламиз. Бу гипотеза одамларга зарурдир. Унинг ёрдами билан ҳар бир инсон ўз таянч нуқтасига эга бўлади. Худога ишонч инсоннинг индивидуал онгида мавжуд бўлганлиги учун у бошқа оиглардан ажратиб кўйилган ва мавҳумдир. Ҳақиқий реаллик фақат айрим кишиларнинг онгида мавжуд, бошқа одамларнинг онги учун бу реаллик сиикдир. Унда мавжуд бўлган илоҳ ҳам ижтимоий онг учуи билиб бўлмайдиган, «ўзи учун мавжуд бўлган борлик»дир. Бу гумонларни Жемс кишилардаги эътиқодга булган ирода орқали йуқотади. Ҳар бир инсон фаолиятида эътиқодга асосланган ҳолда фаол ҳаракатда бўлиши керак. Худога бўлган эътиқод унинг бор ёки йуқлигидан муҳимроқ масаладир.

Агар инсон бирор нарсага эътиқод қилиб қараса, у албатга, ҳақиқатга айланади, далилга булган ишонч юзага келтиради. Масалаи агар эркак аёлга муҳаббат изҳор қилиб, ўз ҳис-туйғусига ишонса, у албатта, ўзаро муҳаббатга сазовор бўлади. Барча ижтимоий институтлар аъзоларининг ишончига асосланади, агар бу ишонч бўлмаса, бундай ижтимоий муассаса ўз ичидан

емирилади. Поезддан йўлтусарларга ёрдам берувчи кўч бўйида ишларининг талабига ишончдир.

Жемснинг фикри бўйича (худди Пирсагадек), ҳар бир фаолитнинг натижаси унга бўлган ишончга боғлиқдир. Жемснинг асосий фалсафий ғоялари унинг «Психология асослари» асарида баён этилган инсон атроф муҳитга мослашишга қаратилган организмдир, деген фикрдир. У атроф-муҳитни унга мослаштириб, ўзгартириш қудратига эгадир. Инсондаги тафаккур унинг фаолиятини мақсадга қаратилган ва мақсадни амалга ошириш учун танланган воситалари билан белгиланади.

Жемс фалсафасида онг мақсадга қаратилган фаолият бўлиб, индиг вид олдида тўрган мақсадларга эришишга ёрдам беради. Биринчи ҳис туйғу сезгилардан, энг юқори фикр юритиш қобилиятигача онг исоғи керакли бўлган нарсаларни танлаб, ўларни мақсадга мувофиқ ҳолда илтифат қилади. Жемснинг бугун фикрлари шадивидта боғланган ва унинг учун тафаккур муҳим ҳаракатга эга. Жемс тажриба ҳам онг сифатид тўшунади. Унинг биринчи босқичи сезгилардан бошланади, деб ҳисойлайди. Бутун борлик унинг учун тажриба элементларидан ташкил топади. У ҳар хил даражадаги фикрлар оқимидан иборат.

Демак борлик Жемс учун инсондан ташқаридаги онгсиз рсали эмас. Борлиқнинг ҳар хил шаклларида биз онг ҳолатларини кўраемиз. Шу ҳолатлардан индивидуал онг ўзишга мақсадига йўналтирган шакллари ажратиб олади ва улардан фойдаланади.

Инсон тафаккурида мавхум фикр юритиш қобилияти рипожлаил экан, у ўзини бошқа мавжудотлардан ажратади. Ўз оддига мақсад куйиш уни онгли равишда бажаришга интилади. Инсон ақли уни бутун борлиқдан ажратиб тўради ва унга таъсир кўрсатишга ёрдам беради. ҳар бир инсонда фикрлар доираси ва оқими индивидуал шаклга эга. Шунинг учун одамлар онги бир-биридан ажралиб туради. Инсон ўзининг индивидуал онги орқали бошқа онларга таъсир қилиши натижасида; мақсадига эришиши мўмкин.

Тажриба Жемс учун индивидуал онгнинг бир-бирига таъсири, шу таъсир натажасида ҳар бир онгнинг ўзи учун фойдага эришишидир.

Жемс фикрича, ҳиссиёт бнзга берилган бирламчи нарсадир. Тажрибанинг ўзи реалликдир, яъни инсон мавжуд бўлган борликдир. Бутун борликни Жемс тажрибадаги ҳис-туйғўлар мажмуъаси, дсб ҳисобланади. Бу масалада унинг фикрлари ундан оддин утган Мах ва Авенариусга ўхшаб кетади. Улар ҳам бугун оламни тажриба элементлари ва уларнинг йиғиндиси, деб айглашган. Бундай қарашлар фалсафада радикал эмпиризм, деб аталади.

Индивидшнг тажрибадаги ҳиссиётларига бошқа индивидларнинг ҳиссиётлари қушилса тажриба доираси кенгаяди, у ҳақиқатга яқинроқ булади. Бу ҳис-туйғуларнинг манбаи тажриба жараёнида очилмайди. Биз бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Жемс тажрибада учта муҳим қисмни ажратди. Бу — ҳиссий сезигилар, муносабат, олдинги ҳақиқатлар, уларнинг объективлиги ва тажриба томонидан тасдиқланади.

Жемснинг фикрича, инсон атрофидаги борлиқ пассив характерга эга. Инсон узининг фаолиятида бу борлиқни узгартиради. Масалан, бир нарча мрамрдан инсон ҳайкал ёки узининг мақсадига мувофиқ бошқа Оирои нарса ясаши мумкин. Демак бутун борлиқ инсон тажрибалари чш мддисидаи иборат. Джемс дунёниинг бирлиги масаласини инкор этади. Дунё турлича тафаккур қилувчи инсонларнинг тажрибаси йиғиндисидан иборат. Дунё доимо узгарувчи ва ривожланувчи кучдир.

Жемс фикрича, ҳақиқат эзгулик булмаса ҳам, фойда келтирувчи билимдир. Лекин фойда келтирувчи билим одатда эзгуликка ҳам алоқадор булади. Ғоя уз моҳияти буйича на ҳақиқий, на ёлгон булади. Лекин агар ғоя фойда келтирса, у ҳақиқатга айланади. Ғояларни ҳам қурол сифатида ишлатиш мумкин.

Жемс ғояларнинг ҳақиқатлигини текшириб куриш лозим, деган масалани уртага ташлайди. Лекин буни узига яраша қийинчилиги бор. Масалан, маълум бир тоялар фақат келажакда фойда келгириши мумкин. Биз

эса уларни ҳозирги замонда таи олшпимиз керак Қишшчилиги шундаки, бу шяларни ҳақиқат эканлигшш ҳозирда текшириб бул-майди.

Масалаи, Ҳиндистонда йулбарслар бор, деган тасдиқни у ерга бориб келган одам айтса, биз уни ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз лозим. Жемс шунинг учун ҳам ғояларни текшириш лозимлиги масаласига бир оз тузатиш киритди, яъни ҳар бир вазиятда бундай имконият булавермаслиги туфайли мавжуд фикрнинг туғри ёки нотуғри эканлигини узимиз текширмасдан, буни текширган шахснинг фикрига ишончхосил қилишимиз лозим.

Бутун реалликни Жемс тажриба ва тажрибадаги сезгилар, деб тушунгаилиги учун абстракт тушунчалар ёрдамида фикр юритиш қобш!иятини ҳам тажрибага боғлайди. Агар тажрибада қандайдир қийинчилик ва учгаришларга учрасақ эски тажрибадан янги тажрибага утиш учун бизларга назариялар керак булади. Демақ тушунчалар ва қонунлар бир тажриба доирасвдан иккинчи тажриба доирасига утувчи куприк ролини бажаради. Биз учун ҳақиқат булиб, фойда келтирувчи ҳис-туйғу ва фикрлар оқими ҳисобланади. Улар оламни тугри ёки нотуғри акс этгириши мум кинлиги Жемс томонидан умуман инобатга олинмайди. Ғоянинг ҳақиқат лиги уни фойда келтиришидадир. Пирс ва Жемснинг ҳақиқатнинг фа қат фойда томонини очиб бериши ҳозирги замон прагматизмиди ривожлантирилди. Масалан, Дейл Корнегининг купгина машхур асарларида фойда тушунчасининг ижтимоий томонлари курсатилади, Айрим шахснинг фаолияти фақат шу шахсга эмас, балки бошқа шахслирш ҳам фойда келтирса ижобий баҳоланади. Айниқса, тадбиркорлик соҳн ларида иккала томон ҳам узаро манфаатдор булиши керак Купчилиим одамларнинг манфаатдор булиши тадбиркорликнинг ривожига ва жими ятнинг гуллаб-яшнашига олиб келади. Дейп Корнеги бу ерда давлатпиш ҳам ролини курсатиб, давлат тадбиркорларга ёрдам бериши, жамияппми урта табақаларини манфаатдор қилувчи иқтисодий чоралар, қонун ии қоидалар орқали жамшшш ривожлантириши мумкин, деб ҳисоблайди Бу ерда у айрим шахсларшшг

фойдаси заминда бутун жамият фойдаси ҳам ётади, дейди. У ахлоқий томонларга эътибор беради. Масалан, бироит; шахсан фойда топмоқчи булсангиз, у шахсга нисбатан самимий ва эзгу ҳис-туйғулар орқали муносабатда булсангиз, мақсадингизга эришишимиз мумкин. Психологик муносабатлар заминда ахлоқий тамойиллар ётишини очиб берди.

XIX аср охири XX аср бошида ривожланган прагматизм фалсафий оқими йиллар давомида узгайиб борди. Индивидуализм таълимотидиш ижтимоий манфаат томонга утиш ҳозирги прагматизмда яқин курунмоқда. Прагматизмнинг ижобий томонларидан бири - эътиқоднинг инсон ҳаётидаги муҳим урнини очиб бериш бўлди. Эътиқод нафақат динда, билиш жараёнида ҳам инсонларга фойда келтиришиш кўрсатди. Шубҳанинг салбий томонларини очиб берди. Диний масалада прагматизм Худони инсонга яқинлаштиришга ҳаракат қилди на уш қандайдир абстракт куч сифатида эмас, балки инсонга ёрдам берувчи ижобий куч сифатида курсатди. Лекин бу масалада прагматизм илоҳий муҳаббат, инсонни Худога, Худони эса инсонга булган муҳаббатиш беғараз экашшгини очиб бера олмади. Интуитив билиш, интуиция ҳис туйғуси прагматизм назаридан четда қолди. Интуитив билиш, А-Бергсон ибораси билан айтганда, «бутун оламни ёритувчи куёшдир», ҳиссий билиш унинг олдида шамчироқшишг хира нурига ўхшайди.

Прагматизмнинг йирик вакилларқдан бири Дьюидир. У идеализм билан материализм уртасидаги фарқ нисбий характерга эга, деб ҳиблайди. Қадимги даврда ақлий меҳнат билаи жисмоний меҳнат бир-бирдан қанчалик фарқ қилган бўлса, идеализм билан материализм уртасида ҳам шунчалик фарқ бўлган. Ҳозирги кунда бу фарқ нисбий бўлиб қолди, дейди. Унинг фикрича, фалсафашшг вазифаси инсонлар ҳаётвдаги қи-йинчиликлар сабабини ўргашшп ва уларга барҳам бериш муаммосини ҳал қилишдан иборатдир. Бунинг учун аввало ҳал қилиш режасини ишлаб чиқиш, назарий жиҳатдан турли имкониятларни куриб чиқиш керақ Ундан сунггина уни ҳал қилиш босқичи, яъни амалга ошириш даври келади. Бунда тажриба муҳим аҳамиятга эга бўлади. Лозим бўлса, шу ҳодисанинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ҳал

килипшинг бошқа йулини топишга туғри келади. Демақ унингча, бутун жараён тажрибага асосланиши керак Шу жараёндагина хатолар кузатилиб, ахвол яхшиланиб боради. Дьюининг фикрича, олдиндан белгиланган қоида — назариялар асосида иш тутиш хавфлидир. Унингча, ҳамма вақт тажрибага суянган ҳолда иш олиб бориш ишончли усулдир. Ижтимоий ва бошқа жараёнда индивид эркин фаолиятда бўлиши, тажрибаларни танлаб олиши асосида демократик йулдан бориши керак Файласўф бу ишларни тинчлик ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошириш кераклигини курсатади. Шундай қилиб, Дьюининг фикрлари кейинги прагматизм вакиллари томонидан ривожлантирилди, ижтимоий-социологик фикр тараккиётида ўзига хос ўрин тутди.

Эдмунд Гуссерль XX аср феноменологик мактабининг асосчиси бўлган Эдмунд Гуссерль 1859—1938 йилларда яшаб, ижод этган. Унинг ғояларини поляк файласуфи Роман Ингардет, Элизабет Штрекер, машҳур немис экзистенциалист файласуфи М.Хайдеггер, унинг йўналишига яқин бўлган файласуфдар Н.Гартман, М.Шелер ҳамда француз экзистенциалист файласуфи Жон.Сартр ривожлантирдилар.

Гуссерль дунёқарашининг ривожини ўч даврда иборат. Гуссерль ижодининг ўчинчи даври ўнинг ижодини урганган файласуфлар томонидан биршган ва иккинчи даврларга қарши қуйилади. Йена шаҳрида 1904 йилда тузилган «Академик психологик иттифок» Гуссерлнинг феноменологик мактабига асос солди. Бу ерда Гуссерлнинг “Мантиқий тадқиқотлар” асари кенг миқёсда муҳокама қилинди.

1910—1912 йиллар феноменология таълимотининг энг ривожланган даври ҳисобланади. Бу даврда Гуссерль феноменологияниинг моҳияти ва мазмуни ҳақида бир неча маърузалар билан чиқади.

Биринчи жаҳон уруши туфайли Гуссерл мактаби ўз фаолиятини тухтатади. Уруш тугаши билан бу тугарак Фрайбург шаҳрида қайтадан тузилиб, ўз ишйни давом эггирди. Мана шу ерда бу оқимга М.Хайдеггер қўшилади. Бў даврга келиб, феноменологияда масалалар мавзуси ўзгарди.

2.3. Пост Позивитизм фалсафасининг тараққиёт дастури ва унинг сиёсий ғаялар учун аҳамияти

Маълумки, ҳамма замонларда ҳам фалсафа ўз даврининг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилган. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Лекин шу билан бирга, айнан ушбу аср ижтимоий силсилалар, иккита жаҳон уруши, экологик инқироз, оғир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикрнинг тараққиётида ўз аксини топди, унинг турли йўналиш ва оқимлари шуғулланган муаммоларнинг салмоғи, мақсад-муддаосини аниқ белгилади. Бунинг натижаси сифатида, ҳозирги давр фалсафасида ниҳоятда хилма — хил оқим ва йўналишлар мавжуд. Ўз навбатида бу илм-фан ва амалиётнинг ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва ҳозиргача бўлган фалсафа илми ривожининг асосий хусусиятларини белгилайди.

Ҳозирги замон фалсафасининг энг асосий тамойиллари умуминсонийликнинг устуворлиги, унинг миллийлик билан уйғунлиги, демократик эркинликлар, инсон қадри, бирор таълимотни мутлақлаштирмасликдир. Бағрикенглик ва толерантлик ҳозирги фалсафий таълимотлар ранг-баранглигини таъминлайди.

Анъанавий фалсафада, турли ғоявий тизимларга бўлинишига қарамай, муҳим муаммоларни ҳал этишда маълум бир умумийлик мавжуд эди. Ҳозирги замон фалсафасида аксинча, фалсафий муаммоларнинг кўп хиллиги ва ўзига хослиги, турли-туманлиги, улар асосида фалсафий оқимларнинг мустақил йўналиш сифатида шаклланганлиги яққол кўзга ташланади.

Анъанавий фалсафада ақл — инсон моҳиятининг белгиловчиси, деб талқин этилган бўлса, энди растионализмга қарши инсоннинг мавжудлиги (экзистенстиализм) муаммолари, ҳамда унинг норастионал моҳияти илгари сурила бошлади. Яъни илгари маърифатпарварлик ғояси устувор бўлса, эндиликда кўпроқ инсон ҳуқуқларига эътибор кучайиб кетди. Фалсафа гуёки,

мавҳумликдан аниқлик томон борди, умумий эмас, аниқ-равшан масалаларни ҳал қилиш бошланди.

Анъанавий фалсафада ҳодисалар механика қонунлари асосида тушунтиришга ҳаракат қилинган бўлса, энди бундай таҳлил доирасидан четда қолган муаммолар ўрганила бошланди.

Бугунги кунга келиб кўпгина фалсафий оқимлар ўзларининг анъанавий фалсафага алоқадор эканликларини ҳамда улардан фарқ қилишларини таъкидлаш мақсадида, номларига «**нео**», яъни янги, замонавийлашган деган маънони англатувчи кўшимчани қўшганлар. Масалан, неопозитивизм, неотомизм ва бошқалар шулар жумласига киради.

Фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаш ва унга нисбатан муносабатга қараб, замонавий фалсафий таълимотларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин. Улардан бири — **стиентизм** (лот scientia — фан) яъни фан мавжуд барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигини илм-фан тараққиётининг доимий ижобийлигини асословчи фалсафий дунёқараш. Стиентизм ғоялари, неопозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Иккинчиси — **антистиентизм**, яъни фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш. Бундай дунёқараш экзистенстиализм, франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим Клубининг бир қатор тармоқларини, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди. Антистиентизм илм-фан тараққиётининг натижаларини назорат остига олиш, бу масалада жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боғлиқдир.

Антистиентизмнинг айрим ўта ашаддий намояндалари фан-техника тараққиётини тамоман тўхтатиб қўйиш ғоясини ҳам илгари сурадилар. Умуман олганда, XX аср фалсафасида бир-бирига муқобил бўлган йўналишлар растионализм ва иррастионализм, антропологизм ва натурализм, стиентизм ва антистиентизм, материализм ва идеализм ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Янгича фалсафий тафаккурга асос солган олимлар орасида кўпчилик немис олими **Артур Шопенгауэр** (1788 — 1860) қарашларини тилга олади. Шопенгауэр оламдаги барча мавжуд нарсаларни ироданинг намоён бўлиши, иродани эса онгсиз кўр-кўрона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотларнинг инстинктлари, хатти-ҳаракатлари — ироданинг намоён бўлишидир. Инсон фаолияти ҳам ақлдан бегона бўлган ироданинг натижасидир. Шунинг учун инсон моҳияти ирростионал асосга эга. Ақл эса тасодифийдир. Инсон ҳаёти доимо айланиб турган ирода ғилдирагига боғлиқдир.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи **Фридрих Нистше** (1844-1900) фикрича, «борлиқнинг энг чуқур моҳияти ҳокимиятга эришиш учун бўлган иродадир.» Нистше инсон борлиғида махлуқлик ва холиқликни бирлашиб кетганини асослаб беришга ҳаракат қилди. Унинг диёримизда бундан икки ярим минг йил муқаддам шаклланган зардуштийлик таълимотини ўрганиб яратган «Зардушт таваллоси» асарида кучли шахсларни тарбиялаш ғояси илгари сурилган. У ўз ортидан иродасиз кишилар оммасини етаклашга қодир бўлган иродаси кучли шахсларни тарбиялаш тарафдори бўлган. Нистшеннинг стивилизастия ва маданиятнинг сўниши ва барҳам топиши тўғрисидаги ғоясига асосланиб, 1918 йилда Г. Шпенглер «Европанинг сўниши» деган асарини ёзади.

Ўтган аср охири олимлари ижтимоий инқироз ва маънавий турғунликдан чиқишнинг йўлини Ғарбда классик фалсафий меросга мурожаат этишда ва уни қайта тиклашда кўрдилар. Шу заминда «Орқага Кантга» шиори остида неокантчилик «Орқага Ҳегелга» шиори остида эса неохегелчилик пайдо бўлди.

Шу билан бирга, фалсафанинг классик илдизларини сақлаб қолишни диний оқим бўлган неотомизм ҳам ёқлаб чиқди. Неотомизм шу бугунга қадар ҳам ўз мавқеини йуқотмаган бўлиб, католик черкови томонидан қўллаб-қувватланади. Бунда айниқса Рим папаси раҳбарлик қиладиган Ватиканнинг фаолияти муҳим ўрин тутаяди.

Неотомизм — XX асрдаги энг йирик диний-фалсафий оқим бўлиб, у ўрта асрлардаги (XIII аср) Фома Аквинскийнинг таълимотини қайтадан тиклади. У (нео — янги, томизм — «фома», транскрипсияда «тома» бўлиб ўзгарган) Фома Аквинскийнинг янги, замонавий таълимоти демакдир. Бу таълимотга кўра, илм ва эътиқод ўртасида тўла мувофиқлик уйғунлик бор. Улар бир-бирини тўлдириб туради, ҳар иккиси ҳам худо томонидан берилган ҳақиқат.

Неотомизм вакиллари фикрича, илм етмаган жойда эътиқод қўлланиши керак. Лекин бу эътиқод кўр-кўрона, шунчаки ишонч бўлмай, балки мантиқан теран анланган эътиқод бўлиши керак. Худонинг мавжудлигини фалсафа турли мантиқий усуллар орқали исбот қилиши лозим. Шундай қилиб, фалсафанинг вазифаси динга хизмат қилишдан иборатдир.

Неотомистлар дунёни, жамиятни худо яратган, жамият тараққиёти худонинг режаси асосида боради, дейдилар. Диний теология оқими бўлганлигидан неотомизм албатта, илоҳий қадриятларни устувор қўяди. Аммо у дин ва унинг жамиятдаги ўрнига, ўзининг номи келиб чиқишига сабаб бўлган, Фома Аквинский замонидан фарқли ёндошади. Фомадан кейинги давр Европада христианликнинг софлигини сақлаш ғояси, аста-секин мутлақлашиб, ўрта аср ақидапарастлигининг маълум кўринишларидан бири-инквизицияга олиб келган эди. Бу эса ҳурфикрлилик илм-фандаги янгиликка қарши курашга айланиб кетган эди. Лекин инсон ҳуқуқлари, фикр эркинлиги демократия белгисига айланган XX асрда бундай ўтакетган ақидапарастликка ўрин йўқ. Неотомизм ҳозирги стивилизастияли дунёда стивилизастиялашган таълимот сифатида майдонга чиқмоқда. Ўз навбатида бу демократия устувор бўлган ҳаёт тарзига муайян даражада мос келади.

Неокантчилик XIX аср ўрталарида шаклланган ва XX аср бошларида ривожланган эди. Унинг вакиллари И.Кант ўз даврида қўйган илмий билишнинг умумийлиги ва зарурияти ҳақидаги ҳамда тажрибавий ақл ҳақидаги муаммоларни таҳлил этадилар. Бу таълимотга кўра, инсон дунёга бир марта келади, шунинг учун ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўзи учун энг олий

мақсаддир. Шундай экан, инсон ҳаётидан кимдир ўз мақсадларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Эркин мавжудот деганда, Кант издошлари ўзи хоҳлаган ишларни қилувчи кишини эмас, балки жамотчилик манфаатига қарши юрмайдиган, унга зид иш қилмайдиган, аммо ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган инсонни назарда тутадилар.

XX асрга келиб, фан ва техника тараққиёти билан илмий тафаккур ва тил муаммоларини фалсафий таҳлил қилишга қизиқиш ниҳоятда ортди. Бу йўналишда ишлаётган энг йирик оқимларга неопозитивизм, структурализм ва герменевтика каби фалсафий қараш намоёндалари мисол бўлади.

Неопозитивизм оқимининг йирик намоёндалари Карнап, Айер, Рассел, Витгенштейн ва бошқалардир. Нео — янги; позитив — ижобий деган маънони англатади. Непозитивизм Фарбда XIX асрнинг 20 — йилларида пайдо бўлган, асосчиси XIX асрда яшаган Огюст Контдир. Унинг фикрича, фалсафа аниқ фанлар тараққиётисиз мавжуд бўла олмайди. Фалсафа — объектив реалликни эмас, балки аниқ фанлар қилаётган илмий, яъни ижобий (позитив) хулосаларни ўрганиб, таҳлил қилиб уларни мантиқан бир тартибга, системага солиши керак

Конт фалсафанинг ўзи мустақил равишда объектив дунё тўғрисида ҳеч қандай аниқ билимлар бериши мумкин эмас, у шу пайтгача йиғилган билимларни формал логика қонунлари асосида таҳлил этиши ва қайта баҳолаши, уни «абсолют ғоя, рух» тўғрисидаги ортиқча фикрлардан тозалаши керак ва янги фалсафани яратиши керак деб таълим берган.

Неопозитивистлар **верификация принстипини** илгари сурадилар (лот. Veritas — ҳақиқат.) уларнинг фикрича, фақат тажрибада ўз тасдиғини топган билимгина ҳақиқийдир. Лекин назарий, мавҳум билимларнинг ҳаммасини ҳам тажрибада эквивалентини топиш, айнан шундай эканлигини исбот қилиш мумкин эмаслиги туфайли бу принстип кейинчалик инкор этилди.

Шундан сўнг **постпозитивизм** (яъни кейинги позитивизм) вакили К. Поппер **фальсификациялаш методини** илгари сурди. Бунга кўра, инсон баъзи назарий билимларнинг ҳақиқатлигини эмас, хато эканлигини

исботлаши керак Охир-оқибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг хақиқийлигини мантиқий — лингвистик усул орқали исботлаши ва системалаштириши керак деган хулосага келдилар. XX асрнинг 60 — 70 йилларига келиб, неопозитивизмнинг мавқеи камайиб, асосий ўринга структурализм ва герменевтика чиқди.

Структурализм (асосий вакиллари Леви — Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ходисанинг структурасини билиш унинг объектив моҳиятини билиш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан Леви-Стросс мифологик тафаккурни таҳлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бу таълимотга кўра шундай принстипга, умумий мантиққа эга.

Герменевтика — қадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хоҳиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун ерга юборилган элчиси — Гермес номи билан аталади. Демак герменевтика — тушуниш, тушунтириш, таҳлил этиш ғояларига асосий диққатини қаратади.

Жамият, бу таълимотга кўра, кишилар ўртасидаги мулоқотга асосланади. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий қадриятлар яратилади. Шунинг учун фалсафанинг асосий вазифаси ҳаётнинг маъносини, моҳиятини кишилар ўртасидаги мулоқотдан қидиришдан иборат.

Бу оқим вақиллари Шлейермахер ва Дильтей фикрича, бирор бир тарихий манбанинг тўғри таҳлил этилиши тадқиқотчининг давр хусусиятларини тўла ҳис этиши, тушуниши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда бу таълимотнинг кўплаб тарафдорлари мавжуд.

3. XX асрнинг 30 — йилларига келиб «**экзистенстиал фалсафа**» ривожланди. Экзистенстия — том маънода мавжуд бўлмоқ демакдир. Экзистенстиализм ниҳоятда хилма-хил йўналишдаги таълимотларни

инсоннинг маънавий дунёси, инсон тақдири, эркинлиги ғоялари асосида умумлаштирди.

Бу муаммоларнинг талқини, айниқса, ижодкор зиёлилар ўртасида оммавий тус олди. Шунинг учун экзистенстиал фалсафа бу даврда энг кенг тарқалган оқим бўлиб қолди.

Экзистенстиализм вакиллари асосан икки йўналишга бўлинадилар. Бири — дунёвий (Хайдегер, Сартр, Камю) ва иккинчиси диний (Ясперс, Марсель) бўлиб бундай бўлиниш нисбийдир.

Хайдегер, Сартр, Камюларнинг таълимотига кўра, инсон ўзининг яратиш жараёнини ўзи эркин амалга оширади. Инсоният олдида улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан қайси бирини танлашда у эркиндир. Демак инсон ўз моҳиятини ўзи эркин белгилайди, унинг ким бўлиб етишиши фақат унинг ўзига боғлиқ. Шу маънода, инсон доимо ривожланиб борадиган, тугалланмаган лойиҳага ўхшатилади. Эркинлик инсоннинг ўзи томонидан яратиладиган ички руҳий ҳолати тарзида талқин этилади. Инсонга берилган имкониятларни танлаш ниҳоятда масъулиятлидир, чунки бунда инсон ўзи, бошқаларни ҳамда уни ўраб турган оламни ҳам қайта яратади.

Диний экзистенстиализм вакиллари Ясперс ва Марсель фикрича, инсон ўз эркин фаолияти давомида худога қараб унга етишиш учун, камолот томон ҳаракат қилади. Ҳақиқий эркинлик инсонга таҳликали онларда, ташвишда, ёлғизликда намоён бўлади. «аҳлика, масъулият соф эркинликнинг ўзидир, фақат шундай шароитда инсон ўзини тўлалигича англайди. Ҳаёт ва ўлим, кўрқинч, даҳшат тушунчалари бу таълимотнинг марказий тушунчаларидир. Экзистенстиалистлар фикрича, олам маъносиз ва уни билиб бўлмаслиги абадий, инсон умри ўткинчи бўлганлиги учун ҳам даҳшатлидир.

Янги замон фалсафасининг яна бир оқими **прагматизм** АҚШда кенг тарқалган. Умуман олганда, «прагматизм» фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. Бунда «фойда» тушунчаси «тажриба», «ҳақиқат» тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Прагматизм таълимотининг йирик намояндалари Ч. Пирс, У. Джемс, Ж. Дьюи ва бошқалардир. Уларнинг таълимотида оламнинг ўзгарувчанлиги ўз ифодасини топган. Улар тажрибани турли тасодиф ва кутилмаган вазиятларни ўзида мужассамлаштирган, онгимиздан тезкор қарорларни қабул қилишни талаб этувчи ҳодисалар мажмуи сифатида таърифлайдилар.

Инсоннинг хатосиз фаолият кўрсатиши учун унинг хатти-харакатларини бошқариб турувчи восита — интеллектдир. Ж. Дьюи фикрича, интеллект инсонни ўраб турган оламдан нусха олади, ҳамда унга муҳитга мослашишга ёрдам беради. Прагматизм фалсафасининг мақсади инсонга оламда ўз ўрнини топишга ёрдам беришдан иборат. Дьюи тажриба натижасининг «фойдали» томонига эътиборини қаратади. Джемс фикрича, ҳақиқат фойдали бўлган нарса ёки ҳодисадир.

Прагматизм АҚШ ижтимоий-маданий ҳаётининг қадриятларини ифода этиб, у ердаги ишбилармонлар, менеджерлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган. Америкаликлар бу таълимотнинг назариётчиларини ҳалқнинг дунёқараши ўзгаришида, ҳозирги америкача ҳаёт тамойилларини кенг оммага сингдиришда катта хизмат қилган файласуфлар сифатида қадрлайдилар. Масалан, Ж. Дьюини «Американинг Арастуси» дея хурмат билан тилга оладилар.

Жамият тараққиётига оид ғоялар таҳлили фалсафада антик даврлардан, Суқрот ва Афлотун замонларидан бошлаб шакллана бошлаган. Бу ғояларнинг ривожига XVII-XVIII асрларда яшаган италиялик файласуф Дж. Вико, XVIII асрда яшаган И.Г. Гердер ва айниқса, немис фалсафасининг йирик намоендаси Хегел катта ҳисса қўшганлар. Жамият тараққиёти тўғрисидаги таълимотлар орасида тадрижий тараққиёт ва инқилобий сакрашлар йўлидан боришни илгари сурадиган таълимотлар талайгина. Кўпчилик тадрижий йўлни маъқул кўради ва биз юқорида тилга олган файласуфларнинг аксарияти ана шундай қараш тарафдори.

Афсуски, бошқача қарайдиган таълимотлар ҳам бор. Янги давр фалсафасида тарқалган ана шундай оқимлардан бири **марксизм** бўлиб, унинг

асосчиси немис иқтисодчиси ва файласуфи Қ Марксдир (1818 — 1883). Унинг ижтимоий фалсафаси капитализмда синфий курашнинг мутлак антогонизм даражасига кўтарилиши, охир-оқибат пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши ва шу йўл билан синфсиз жамиятга ўтишни тарғиб қиладиган ва реал ҳаётни акс эттирмайдиган назариядир.

Кейинчалик собиқ иттифоқда ҳукмрон мафкурага айланган бу таълимот дастлаб Қ Маркс ва Ф. Энгелс ёзган «Коммунистик партия манифести»да баён қилинган. Унинг назарий асослари Қ Маркснинг «Капитал», Ф. Энгелснинг «Анти-Дюринг» ва «Табиат диалектикаси» асарларида таърифлаб берилган бўлиб, ижтимоий ҳаётда салбий оқибатларга олиб келди. У борлиқ тушунчасини материя билан айнанлаштирган, руҳни бутунлай инкор қилган, материализм ва атеизмни мутлақлаштирган.

Бу таълимотнинг Қ Каутский, В. Плеханов бошлиқ мўътадил тарофдорлари кейинчалик социал-демократияга кўпроқ мойил бўлишди. Россияда В. Ленин бошчилигидаги тарафдорлари эса синфий кураш ва пролетариат диктатурасини мутлақлаштириш йўлидан бордилар. Бу ўз навбатида, инқлобий сакраш йўлини танлашга олиб келди ва Россияни террор йўлига бошлади. Оқибатда эса бу типдаги дунёқараш жамият ва халқлар тақдирида ғоят салбий ўрин тутиши маълум бўлди. Ҳарбда Маркснинг ҳозирги даврдаги тарофдорлари «неомарксизм» оқимини ташкил этадилар. Кўпгина неомарксистлар синфий курашни мутлақлаштирамаслик инқлобий эмас, тадрижий сакраш йўлидан бориш устувор бўлиши лозимлигини эътироф эта бошладилар. Аммо уларнинг асл қарашларини жамият, миллат эмас, синф ва улар ўртасидаги кураш тараққиёти белгилайди, деган ўша таълимотга боғлиқлигича қолмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, яқингача собиқ Иттифоқ ва унинг иттифоқчилари ҳудудида мутлак ҳукмрон бўлган мафкуранинг тақдирини ўрганиш, унинг тарихидан холисона хулоса чиқариш, бу таълимотнинг қандай аянчли натижаларга олиб келганини билиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Бу борада лом-мим демаслик фойда бермайди. Зеро, таълимотлар

тарихи — инсонлар, уларнинг тақдири, юксалиши ёки таназзули тарихидир. Бу юксалиш ёки таназзул кўп ҳолларда муайян ғоялар, мафкуралар таъсирида рўй беради. Гоҳида минглаб, миллионлаб кишиларни мафтун қилган баъзи ғоялар ёки мафкуралар охир-оқибат ана шу миллионларнинг заволига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Биз қисқа таҳлил қилган марксизм ва кейинроқ у пайдо бўлган ҳудудда шаклланган настионал состиализм (фашизм) назариялари ана шу тарихий ҳақиқатни исботлайди. Бу ҳақиқатнинг остида эса бирор таълимот қадриятларини мутлақлаштириш, албатта, муайян «изм»га, ақидапарастликка олиб келади, бу ўз навбатида жаҳолат ва қабоҳатга элтувчи йўлдир, деган умуминсоний тамойил ётади.

4. XX асрга келиб жамият тарихий тараққиётига оид таълимотларни умумлаштириш натижасида ижтимоий тараққиётнинг плюралистик модели, «локал маданиятлар» ҳамда «сцивилизастияларнинг хилма-хиллиги» констепстиялари шаклланди. Уларга кўра, жамият тарихи — ўзига хос маданиятларнинг бирлиги эмас, хилма-хиллигидан иборат. Шу маънода у органик табиатдаги ҳаёт шакллариининг ранг-баранглигига қиёсланади. Демак табиат қандай хилма-хилликнинг бирлиги бўлса, жамият ҳам ана шундай ранг-барангликнинг уйғунлигидир. Жамиятда ҳам ҳамма ва ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор²⁶.

Бу ғоялар немис файласуфи ва состиологи О. Шпенглер (1880-1936) ва инглиз тарихчиси А. Тойнби (1889-1975) таълимотларида ҳар томонлама асослаб беришга ҳаракат қилинди. О. Шпенглер ўзининг «Европанинг сўниши» номли асарида тарихни бир — биридан мустасно бўлган маданиятлар мажмуидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда мукаммал ривожланган 8 хил маданиятни кўрсатади. Булар: араб, ҳинд, вавилон, хитой, юнон-рим, византия-араб маданиятлари, майя ва русс-сибир маданиятларидир. Маданиятлар ўзига хос диний асосга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири қатъий биологик маромга (ритмга) бўйсунди. Ва қуйидаги асосий даврларни босиб ўтади: туғилиш ва болалиқ ёшлик ва камолот, қарилик ва

²⁶ Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 89-бет.

сўниш. Бунинг асосида маданиятлар ривожининг икки босқичи мавжуд, деб кўрсатилади. Биринчи босқич — маданият равнақи (соф маданият) ва иккинчиси — унинг таназзули («стивилизастия»).

О. Шпенглер европостентризмга, яъни барча маданиятларни европалаштириш ғоясига қарши чиқди. Ҳар бир маданиятнинг ўзига хослиги, бир-биридан мустасно ҳолда ривожланиш ғоясини мутлақлаштирди. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳам мавжудлигига кам эътибор қаратди.

Яна бир олим А. Тойнби эса ўзининг 12 жилдлик «Тарихни ўрганиш» асарида маданиятларнинг локал ривожланиш ғоясини давом эттирди. Бирок унинг таълимоти Шпенглер констепстиясидан ўзининг икки жиҳати билан фарқланади. Биринчидан, инсонда ўз ҳаётини эркин белгилаш имконияти мавжудлигини, тарихий тараққиёт зарурият ва эркинликнинг ўзаро бирлигидан иборат эканлигини назарда тутса, иккинчидан, тарихий тараққиётнинг даврий модели дунёвий динлар (буддизм, христианлик ислом) нинг барча халқларни якинлаштирувчи ва жипслаштирувчи бош омил ғояси билан бойитилган.

Тойнби Фарб христиан стивилизастиясининг таназзулга қараб бораётганлигини кўрсатиб, унинг олдини олиш йўлини маънавий бирликда, жаҳон халқларининг ягона динни қабул қилишларида, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда жамият тараққиётининг стивилизастия констепстияси кўпчилик файласуфлар томонидан тан олинмоқда. Хусусан, индустриал ва постиндустриал жамият ғоялари, айниқса, оммавийлашиб бормоқда. Унга кўра, жамият тараққиётининг бош мезони — саноатнинг ривожланиш даражасидир.

Шундай қилиб, XX асрга келиб ранг-баранг фалсафий таълимотлар шаклланди. Уларнинг барчасини мазкур мавзуда кўриб чиқиш имконияти бўлмаса-да, юқорида баён этилган маълумотлардан фалсафий плюрализм ҳақида, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканлиги тўғрисида муайян хулосага келиш мумкин. Бу соҳадаги билимларимиз, ўз навбатида бизнинг миллий ғоя ва мафкурамизни шакллантиришга,

маънавиятимизнинг бойиб, мустаҳкамланиб боришига, интеллектуал камолотимизга хизмат қилади.

Прогматизм - юнонча *prognatos* сузидан олинган булиб «иш, хатти-харакат» деган маънони англатади.

Асосчиси - Чарлз Сандерс Пирс, ундан сунг У.Жеймс, Ж.Дьюн, ФюШиллер томонидан ривожлантирилган.

Тушунча ва эътикоднинг маъносини аниқлашга ёрдам беради, гоё ва тушунчалар факат таджикотчи томонидан текширувдан утганда кейингина муайян ахамиятга эга булади.

Хусусияти: У ёки бу объектлар хақидаги тушунчаларнинг маъноси ва ахамияти улар келтириб чиқарган амалий натижалардан.

Асосий асари: «Эътиқоднинг урнатилиши».

-Ж.Дьюн фалсафаси учун марказий муаммо - «тажриба» тушунчасидир., «Тажриба» ни хаёт тушунчаси билан айлантирилади. «Прагматизм» асл маънода фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» кандай эриш йуллари ва усуллари хақида мулохаза юритувчи таълимотдир.

Прогматизм АКШ ижтимоий-назарий мухитининг мевасидир.

Экзистенциализм - лотинча «экзистенция» ёки интизча «экзистенсе» сузидан олинган булиб «мавжудлик», «мавжудбулмок», деган маънони англатади. Дастлаб ватани Россия булган (Бердяев, Шестов) кейинчалик Германияда кенг ривожланди (Хайдеггер, Ясперс, Бубер) Асл маънода XX аср маънавий хаётининг эҳтиёжларига жавоб сифатида юзага келди ва ривожланди. Ута зиддиятли ва мураккаб хусусияти: киши, узининг мавжудлигини чуқур маънавий зиддият, рухий тушкунлик холатидагина англай олади.

Мохияти: 1. Инсон хақидаги фалсафадир тарийхай чекланган фалсафий йуналишидир.

2. Ижобий томони шундаки бу йуналиш - гуманистикдир масалан Жан-Пол Сатр «Пашша» номли пессасида гуманизм рухида булган ижтимоий маъсулият хақида бадиий образ яратади.

Неотомизм - диний оқим. XIII аср Италия файласуфи Фома Аквинскининг фалсафий-диний таълимоти булган тизимни XX аср воқеалигида тиклашга уринувчи фалсафадир. Рим Католик черкови ва унинг марказий ҳокимияти Ватикан Неотомизмининг маънавий сиёсий хомийсидир. Рим Католик черковининг расмий мафкурасидир. Асосий вакиллари - Францияда Э.Жилсон-Марйтен, Италияда У.Подовани, Ф. Олджати, Германияда А.Двслор, И.Лост, VI Грабман, В.Бруггер эса Д.Мерсье, А.Дондейн ва бошқалар.

Бу таълимотга кура илм ва диний эътиқод бирликда булади. Моддий реаллик билан ибр каторда рухий реалликни ҳам тан олиш лозимлигини талаб қилади.

Неопозитивизм - янги позитивизм гарб оламида кенг оммалашган.

Гоявим вакили Морист Шлик

«Мантикий эмпиризм», «Илмий эмпиризм», «Мантикий позитивизм», «Вена тугараги».

Моҳияти: уч қуринишда ифодаланади.

- 1) Мантикий позитивизм.
- 2) Лингвистик таҳлил.
- 3) Конвенционализм ва физикализм.

Ижобийлиги:

- 1) хурфикрлик
- 2) илмий билишнинг янги томонларини кидиришга уринади.
- 3) Аънавий методлардан четга чиқишга ҳаракат қилди.

Герменевтика - юнонча суз булиб, «изохлайман», «тушунтираман» деган маънони англатади!

Техниканинг жуда катта ютуқларини мантикий талқин қилиш муаммолари билан боғлиқдир. Герменевтика масалалари психологлар, мантиқшунослар ва файласуфлар томонидан кейинги ун йилликда кенг урганилмоқда.

Феноменология - хозирги замон фалсафасидаги ва маданиятидаги асосий оқимлардан бири.

Махизм - асосчиси Мах Эрнст австралиялик физик ва философ субъектив идеалист эмпириокритистимнинг асосчиларидан бири. Мах нарсаларни «сезгилар комплекслари» деб эътироф қилиши билан у таълимотини фалсафий материализмга қарама-қарши қилиб қўяди. Мах Сабабият, зарурият, субстансия тушунчаларини «тажрибада» мавжуд бўлмаган тушунчалар деб рад этади. «Тафаккурни тежаш принципи» га мувофиқ оламни тасвирлаш факат «Тажрибанинг бетараф элементлари» ни узи ичига олмағи лозим. Мах фалсафанинг субъектив -индеалистик характери В.И.Лениннинг «Материализм ва эмпириокритизм» асарида танқид қилинди²⁷.

²⁷ Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 299, 334-бетлар.

ХУЛОСА

Фалсафа фани вужудга келгандан бошлаб то ҳозирги кунгача ҳам ҳаёт юзага келтирган турли-туман масалалар, инсон авлодини қизиқтириб келаётган муаммолар доимо унинг диққат марказидадир. Шу боне ҳаёт фалсафа фанининг манбаи, унинг хазинаси десак янглишмаган буламиз. Фалсафий Ғояларнинг эскирмаслиги, уларнинг инсон дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришдаги роли тобора ортиб бориши ҳам бу фаннинг ҳаёт билан ўзвий борлиқлигидандир. Юнон мифологиясининг қақрамони Антей она заминга оёри тегиб турганда куч олганидек фалсафий ғоялар ҳам ўз кучини ҳаётдан олади. Демак ҳаёт фалсафа учун бирламчи, фалсафа эса ҳаётга нисбатан иккиламчидир.

Афсуски, куп йиллар мобайнида куқмрон мафкура таъсири остида биз ҳаёт билан фалсафанинг муносабатларини назар-писанд қилмай, реал воқеликдан ажралиб долган ғоялардан келиб чиқиб, борлиқни ўзгартирмоқчи ва уни қайта курмоқчи булдиқ Марксизм-ленинизм ғояларини янги, революқион назария, деб тушуниб, ана шу ғоялар орқали биз янги хҳаётни, янги жамиятни барпо этамиз, деб келднқ Натижада ғояларимиз хқам, у орқали бино булган жамиятимиз истиқболи ҳам пучга чиқди. Шу билан бир қаторда фалсафа фанининг халқ уртасидаги обрусси ҳам тушиб кётди. Ана шундай вазиятда унинг обрусини тиклашнинг асоси нулифалсафа ғояларини қайтадан курнб чиқиш, уларни ҳаёт билан уйрунликда ривожлантиришдир. Фалсафа ҳаётдан ажралиб долган масалалар билан эмас, балки воқеликдан келиб чиқадиган, давримизнинг долзарб масалалари билан шурулланмоги лозим²⁸.

Ушбу БМИда фалсафанинг инсон дунёқарашинн шакллантириш ва ривожлантиришдаги урни, унинг фан ва мафкура сифатидаги хусусиятлари, сиёсат билан алоқадорлиги, ҳозирги ҳаёт тараққиётидан

²⁸ Гуннар Скирбекқ Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. -688-бет.

келиб чиқаётган долзарб муаммоларни фалсафий жиҳатдан мушоҳада этиш, фикрлаш маҳоратини ошириш масалалари ҳақида гап кетади.

Асарда ёритилган масалалар фалсафа фанининг ривожланиш жараёнидаги зиддиятлар ва муаммоларни атрофлича акс эттириш билан бир қаторда, жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларида юз бераётган қодисаларни чуқурроқ англаб ётишга имкон беради, деган умиддамиз.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, инсониятнинг тараққиёти жуда узоқ давом этган жараён бўлиб, кўп босқичларни ўз ичига олади. Тарихчилар, файласуфлар, иқтисодчилар, сиёсатчилар ва жамиятнинг турли-туман соҳаларини ўрганувчи бошқа илм вакиллари ана шу тараққиёт босқичларини бир қанча белгиларга кўра бир-биридан ажратиб ўрганишади. Шунинг учун ҳозирги пайтда жамият тараққиётининг босқичлари ҳақида бир-биридан фарқ қиладиган бир қанча қарашлар мавжуд. Буларнинг бири ижтимоий тараққиётга ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг кетма-кет босқичлари сифатида назар ташласа, иккинчиси уни цивилизацияларнинг ўзига хос синтези сифатида талқин қилади, учинчиси жамият тараққиёти босқичларини бир-биридан технологиялар тараққиётига кўра ажратишни таклиф этади, тўртинчиси эса маданиятларнинг ўзига хослигини асосий белги сифатида олға суради ва ҳоказо. Албатта, бундай ёндошувларнинг ҳар бирида ўзига хос мантиқ, ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос ижобий жиҳатлар, ҳамда, айтиш мумкинки, уларнинг эътиборидан четда қолган жиҳатлар, камчиликлар мавжуд. Аслини олганда уларни яқин-яқинларгача бўлгани каби, бир-бирига қарама-қарши кўйиш эмас, балки умуман олганда жаҳон тараққиётига турли нуқтаи назарлардан ёндошиш сифатида қараган маъқулроқ. Ана шунда эҳтимол улар бир-бирини тўлдирар, қайсидир муаммоларни бир неча бор тафаккур силсиласидан ўтказишга, уларни турли жиҳатлардан изоҳлашга имкон берар. Шу маънода баъзан ижтимоий фанларда ўзини намоён қиладиган баъзи бир оғмачилик кайфиятларига, мода бўлган сўз ўйинларига берилишдан кўра, муаммога турлича қараб, уларни

таҳлил қилиш, кўр-кўрона танқидбозлик ёки мақтовлардан кўра натижаси илм-фанни олға етаклайдиган назарий ва амалий натижалар олингани маъқул.

Жамият тараққиётига ижтимоий-иқтисодий формациялар кетма-кетлиги сифатида ёндошув асосан XIX асрда диалектик ва тарихий материализм назариясининг ғояси сифатида вужудга келди. Уни кўпинча иқтисодий детерминизм деб ҳам аташади. Чунки унда жамият ҳаётида иқтисодий соҳанинг етакчилиги ва белгиловчилиги ролига алоҳида аҳамият берилади. Ижтимоий-иқтисодий формациялар назариясига кўра жамият ҳаётида инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти, иқтисодий соҳа, ишлаб чиқариш қуролларига муносабат, ҳуллас мулкчилик муносабатлари асосий аҳамиятга эга. У жамият ҳаётининг қолган барча соҳаларини белгилаб беради. Шунинг учун Ер юзининг исталган минтақасида, исталган пайтда ҳар қандай жамиятни характерлайдиган, инсониятнинг барча даври, барча ижтимоий тизимлар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий қонунлар мавжуддир. Улар орқали исталган жамиятни таҳлил қилиб, характерлаб бериш мукин. Булар асосан материалистик диалектиканинг ҳамда сиёсий иқтисоднинг асосий қонунларидир. Шу маънода формациявий ёндошув жамият тараққиётининг умумий қонуниятларини тушунтириб беради. Бу ёндошувга асосланиб инсоният жамиятидаги айрим қайтарилмас хусусиятлар, у ёки бу халқ маънавияти, маданияти, тарихий ривожланиши, руҳий-психологик хусусиятлари, уни бошқа халқлардан ажратиб турувчи жиҳатлар, уни айнан ўша халқ қилиб турган муайянликларни тушунтириб бўлмайди. Аксинча бунда жамиятни, ундаги бирор ҳодиса ва жараёнларни тушунтиришга бўлган ана шундай нуқтаи назарларга «ўнг», «сўл» ва бошқа «ёрликлар» ёпиштирилиши характерлидир. Бундай фикрларни баён этувчиларнинг тақдири эса кўпинча фожиали тугаган пайтлар ҳам бўлганлиги яқин тарихимиздан бизга маълум.

Жамият тараққиётига цивилизациявий (баъзи муаллифлар бу иборани "тамаддун" деб аташади) ёндошув эса, аксинча, юқорида эслатиб ўтилган

умумий қонуниятлар, умумий хусусиятларни эмас, аксинча ҳар бир халқ, миллат, элат ва ундан ҳам кичикроқ бўлган ижтимоий бирлашмаларнинг қайтарилмас жиҳатларини, таъбир жоиз бўлса, уларнинг «менталитети»ни, руҳияти, маънавияти, маданияти ва шу қабилардаги ўзига хосликларнинг аҳамияти борлигини таъкидлайди.

Ана шу ёндошувга асосланган ҳолда планетамизнинг турли-туман нуқталарида вужудга келган халқлар, миллатлар ва элатларнинг тарихида кузатилган ва кузатилаётган маданий, диний, илмий, ҳулас, интеллектуал «портлаш»ларнинг табиатини ва хусусиятларини англаш мумкин. Масалан, қадимги Мисрдаги цивилизациялар ва пирамидалар қурилиши масаласи, Лотин Америкасидаги инқлар цивилизацияси, Қадимги Ҳиндистон, Хитойдаги цивилизациялар, ҳозирги замонда – Жанубий Кореянинг иқтисодий ривож, Япония, Малайзия, Сингапур ва бошқа Жанубий Шарқий Осиё мамалакатларидаги кескин олға сакрашларнинг цивилизациявий асосларини ана шу ёндошув орқали тушунтириб бериш мумкин.

Лекин жамиятни ўрганишда шуни эътиборга олиш керакки дунёда бир-биридан тарихий тараққиётининг ўзига хосликлари билан фарқ қиладиган, турфа хислатларга эга бўлган халқлар ва давлатлар мавжуд экан, уларнинг манфаатлари турлича эканлигини, ана шу манфаатларни англаш даражаси ҳам турличалигини, уларнинг барчаси у ёки бу даражада сиёсийлашганини тан олмай илож йўқ. Бунинг натижасида уларнинг инъикоси бўлмиш барча "мафкуравий омиллар турли халқлар, маданиятларнинг ўзаро алоқасига, ўзига хослигига салбий таъсир кўрсатиши" табиийдир. Бу цивилизацияларнинг кўп ҳолларда ички ва ташқи ўзаро низолар, курашлар, бўлинишлар, тахт таллашишлар, манфаатлар тўқнашувининг таъсирига учраганлигини, учраётганлигини ва бундан буён ҳам учрашини тушунишимизга ёрдам беради.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003.
3. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
4. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.Т.,«Ўзбекистон».
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
7. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000.
9. Гуннар Скирбекқ Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002.
- 10.Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
- 11.Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
- 12.Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
- 13.Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003.
- 14.Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004.
- 15.Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
- 16.Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
- 17.Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.
18. Ғарб фалсафаси. қўлланма. “Шарқ” .Тош. 2004 йил.

Кушимча адабиётлар:

1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.
6. www.history.ru.
7. www.philosophy.com.
8. www.gov.uz - Хукумат сайти
9. www.press-service.uz - Президент сайти
10. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
11. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
12. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
14. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
15. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

Мундарижа:

Кириш.....	2-5
а)Мавзунинг долзарблиги;	
б)Мавзунинг тарихшунослиги;	
в)Мавзунинг тарбиявий аҳамияти;	
I-боб: Миллий ғоянинг шаклланишида фалсафанинг тутган ўрни	
1.1.Фалсафанинг миллий мафкура ва сиёсат билан алоқадорлиги.....	6-16
1.2.Тафаккур тарихида фалсафий ғояларнинг мафкурага таъсири.....	17-40
II-боб. ҳозирги давр ғарб фалсафасининг миллий ғояга таъсири	
2.1. Ҳаёт фалсафасининг иродали шахсни вояга етказишдаги ўрни.....	41-59
2.2. Прогматиз фалсафасининг ижтимоий-иқтисодий ғояларнинг шакилланишидаги ўрни.....	60-71
2.3. Постпозивитизм фалсафасининг тараққиёт дастури ва унинг сиёсий ғоялар учун аҳамияти.....	72-84
Хулоса.....	85-88
Фойдаланилган адабиётлар.....	89-90